



Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ХАҚИКАТИ



ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЯИЛ 11 ДЕКАБРДАН + № 185 (9681).

• 1989 йил 30 сентябрь • Баҳоси 5 тийин.

Украина Компартияси Марказий Комитетининг пленуми

КИЕВ, 28 сентябрь. (ТАСС). Бугун бу ерда Украина Компартияси Марказий Комитетининг пленуми бўлди, унда таъинлиги масала муҳокама қилинди.

Пленум В. В. Шчербицкий пенсияга чиқиши тўғрисида ариза берганлиги муносабати билан уни Украина Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ва Марказий Комитет Сийбей бюросининг аъзоси вазифаларидан озод қилди. Республика партия ташкилотига бошчилик қилиб, кўп йил ва самарали ишлаганлиги учун В. В. Шчербицкийга миннатдорчилик изҳор этилди.

Пленумда Украина Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари лавозимига номзодлар ба- тафсил муҳокама қилинганидан кейин яширин овоз бериш учун рўйхатга Украина Компартияси Марказий Комитетининг секретари С. И. Туренко билан Украина Ком-

партияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. А. Ивашко номзодлари киритилди.

Яширин овоз бериш йўли билан В. А. Ивашко Украина Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари этиб сайланди. Об- ласть партия ташкилотлари- да коммунистларнинг фикри ҳам овоз бериш якунларида ўз ифодасини топди. Пле- нум арасида шаҳар партия ташкилотларида ҳам Укра- на Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари лавозимига ном- зодлар кўрсатилиб, кенг му- хокама қилинди, бунда В. А. Ивашко номзоди ҳаммадан кўра кўпроқ қўллаб-қувват- ланди.

Пленум қатнашчилари ҳу- зурида М. С. Горбачев нутқ сўзлади.

(Нутқ эълон қилинади).

Шу кунга М. С. Горбачев Москвага қайтиб келди.

СЕССИЯ КУНДАЛИГИ

СССР Олий Советининг комитетлари ва комиссияларида

28 сентябрда СССР давлат ҳокимияти олий органининг комитетлари ва комиссияларида мунозаралар давом этди. Халқ депутатлари СССР Олий Советининг иккинчи сессияси кун тартибига киритилган масала- ларни муҳокама қилдилар.

СССР Олий Советининг халқ соғлиғини сақлаш комитети мажлисида СССР Госплани, Молия вазирлиги ва Со- глиқни сақлаш вазирлигининг вакиллари соғлиқни сақлаш со- ҳасидаги аҳолига рўй-рост ба- ҳо бердилар. Бу мажлис СССР- нинг 1990 йилги давлат пла- ни ва давлат бюджетига лойиҳа- ларини муҳокама қилишга ба- гишланган эди. Комитет аъзо- ларининг фикрига кўра, ана шу ҳаётини муҳим соҳага бю- джетдан ажратилиш кўзда тутил- ган 26,7 миллиард сўм маблағ уларни асло қониқтирмади.

Медицина хизмати соҳасида- ги аҳолини тубдан ўзгартириш учун, деди комитет раиси Ю. И. Бородин ТАСС мухбири билан суҳбатда, бизга 80 миллиард сўм керак. Биз мам-

лакатимизнинг ҳозирги мурак- аб иқтисодий аҳоли шароити- да бунча маблағни топишнинг иложи йўқлигини жуда ахши тушунсак ҳам, ҳар ҳолда 90- йилда соғлиқни сақлашга аж- ратилган маблағга 3-5 милли- ард сўм қўшилишини қаттиқ та- лаб қиламиз.

Медиклар чет эллардан дори- дармон харид қилиш учун 500 миллион сўм хорижий ва- люта ажратилгани учун ҳу- қуқатдан миннатдордилар, деди гапга аралашиб комитет аъзоси Н. Н. Прибилова. 440 миллион сўмлик дори-дармон учун ҳозирнинг ўзидек шарт- нома тузилди. Бу эса бизнинг турли дори-дармонларга бўл- ган эҳтиёжларимизни 90-95 процент қондириш имконини беради.

Медицина асбоб-ускуналарининг ҳолати ҳам ахши эмас, дейди халқ депутати Р. Пир- назаров. Биз Туркистонда профессор С. Н. Федоров кли- никасидаги асбоб-ускуналарни фақат орзу қила оламиз.

СССР Олий Советининг фан, халқ таълими, маданият ва тарбия комитети мажлисида

СССР Давлат халқ таълими комитетининг раиси Г. А. Яго- дин шу ҳақда гапириб, келгу- си йилги давлат бюджети тў- рисидаги докладда таълим бюджетига қўйилган оқимда тур- ган вазифаларга, уни ривож- лантириш концепциясига му- вофиқ қилиниши зарур бўлган ишларга асосланиб планлаш- тирилмоқда, деган даъвога қўшилмаслигини айтди. Унинг сўзларига қараганда, аслида бундай эмас.

Комитет мажлисида маблағ ҳақида гап мамлакатнинг 1990 йилги ва бюджетини му- хокама қилиш доирасида бор- ди.

Ушбу сессиянинг кун тар- тибида мамлакатнинг экологик соғломлигига оид энг зарур тадбирлар сўғити банд қилиб белгиланган. Бу нарса мазкур масаланинг энг охирида кўриб чиқишлигини билдирмайди, деб таъмин қилишга журъат эта- миз. Бироқ, депутатлар ора- сида: ажратилган муҳлатда бу- тун кун тартибини кўриб чи- қишга улгуриб бўлмаса керак,

(Давоми 2-бетда).

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИ

29 сентябрь кунга йигирманчи қақриқ халқ депутатлари Тошкент область Советининг навбат- дан ташкари ўн биринчи сессияси бўлиб ўтди.

Сессия бошланиши олдидан халқ депутатлари область Советининг партия группаси мажлиси бўлди. Мажлисида область партия комитетининг иккинчи секретари Р. А. Попов олиб борди.

Мажлис халқ депутатлари область Совети сес- сиясининг кун тартибини маълумлади.

Партия группаси мажлисида Чирчиқ шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Д. Азиз- хўжаевнинг шаҳар ва унга яқин атрофдаги эко- логик вазиятни яхшилаш юзасидан олиб борила- ётган ишлар тўғрисидаги ҳисоботи тингланди. Шу масала юзасидан музокараларда Ангрен тажриба ремонт-механика заводи тоқари И. Гаир, Чирчиқ шаҳар поликлиникасининг болалар врач- и Ж. Свечкорёва, Оржоникидзе район партия ко- митетининг биринчи секретари Г. Миразимова, Чирчиқ шаҳар Совети ижроия комитетининг ра- ис Н. Шарипов, Оҳангарон район партия ко- митетининг биринчи секретари С. Тўлаев қатнашди- лар.

Партия группаси мажлисида муҳокама этилган масала юзасидан қарор қабул қилинди.

Халқ депутатлари область Советининг сессия- сини Совет раиси А. Алимов очди.

Область Совети ижроия комитетининг социал- иқтисодий программани амалга ошириш, кўл ости- даги ташкилот ҳамда хизмат соҳалари струк- тураси ва фаолиятини қайта қуриш ишлари қан- дай бораётганлиги тўғрисидаги ҳисобот докладди тезисларининг сессия олдидан муҳокамаси пай- тидо турилган фикр-мулоҳазалар, саволлар юза- сидан область Совети ижроия комитетининг ра- ис А. А. Яўдошев сўзга чиқди.

Область уй-жой-коммунал хўжалиги ишлаб чи- қариш бошқармаси бошлиғи А. Аҳмедов билан савдо бошқармаси бошлиғи А. Холибоевнинг об- ласть Совети ижроия комитети олдига турган ва- зифаларини бажаришга қандай ҳисса қўшаётган- ликлари тўғрисидаги ҳисоботларни тингладилар.

Область Совети ижроия комитетининг ҳисобот доклад тезислари юзасидан музокараларда Пар- кент районидagi Калинин номили совхоз дирек- тори О. Азизов, Бўстонлиқ район Совети ижро- ия комитети раиси А. Кашченко, Чиноз район марказий касалхонасининг бош врач- и А. Раҳма- туллаев, Ғалаба район марказий касалхонаси бош врачининг ўринбосари С. Марич, Оққўрғон рай- онидagi «Оққўрғон» совхозининг ишчиси Э. Ве- люлаева, Бекободдаги Ўзбекистон металлургия заводининг цех бошлиғи Б. Безносоев қатнашди- лар.

Область Совети ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари О. Г. Айдаков тақчил сано- ат ва озиқ-овқат маҳсулотларини одилона тақ- симлаш юзасидан изох бериш учун сўзга чиқди.

Депутатлар кун тартибидagi иккинчи масала — «Йигирманчи қақриқ халқ депутатлари область Советининг ўнинчи сессиясида билдирилган тан- қидий мулоҳазалар ва тақлифларнинг қандай ба- жарилаётганлиги тўғрисидаги ахборотни қони- қарли эмас, деб топиб, навбатдаги сессияда бу масалага яна қайтишга қарор қилдилар.

Сессияда Тошкент областида киноатчиликка қарши кураш бўйича муваққат комитет тузилди.

Сессияда таъинлиги масалалар кўриб чиқилди. Б. Аҳмедов область аҳолига маъиший хизмат кўр- сатиш бошқармасининг бошлиғи қилиб тасдиқ- ланди.

Я. Имомов Тошкент область суди аъзоси қи- либ сайланганлиги муносабати билан сессия уни Калинин район халқ судьяси вазифасидан му- датидан илгари озод қилди.

Сессия И. Пўлатовни Калинин район халқ судья- си, Ғ. Шойзоқовни Ангрен шаҳар халқ судьяси қилиб сайлади.

Сессияда муҳокама этилган масалалар юза- сидан қарорлар қабул қилинди.

[Сессия тўғрисидаги ҳисобот газетанинг нав- батдаги сонларидан бирида эълон қилинади].

«ХОСИЛ-89»

УЧ КУН ИЧИДА

«ТОШКЕНТ ХАҚИКАТИ» ПАХТА ШТАБИ ХАБАР ҚИЛАДИ

БҲКА. [Телефон орқали олинди]. Ўз оила аъзолари би- лан 10 гектар ерда меҳнат қилган Абдували Турсунов «Ленинград» колхозидagi эмас, Бўка районида биринчи бўлиб давлатга пахта сотиш йиллик планини бажарди. Ҳар гектар ердан 27 центнердан хом ашё йиғиштириб олинди. Шуниси диққатга сазоворки, ҳосилнинг юз фоизи машина- лар ёрдамида терилди.

Уттан кунин Ҳамза номли колхоздан ҳам хушхабар ол- ди. Хўжалигининг Муртоз Ша- рипов бошчилиги қўлаётган оқлавий звеноси Ғалаба ра- портига имзо чекди. Бу оила ҳам ҳосилдорлигини 27 цент- нердан оширди. Асосий ҳо- сия юқори навларга қабул қи- линди.

Колхознинг Баҳром Жўраев етакчилигидаги оила аъзолари бу йилги бирмунча мураккаб шароитда ҳам пахтадан мўл ҳосил етиштиришди. 7 гектар ердagi ғўза сифатли парварши қилинди. Барча агротехника тадбирлари маромида ўтказил- ди. Ёўза барги вақтида тўкти- рилди. Машина терими ҳам энг қўлай муддатда бошланди. Шу тўғрйли уч кундаёқ 27 центнерлик марра эгиланди. Ҳосилнинг ҳаммаси машинада териб олинди.

Ҳали далада пахта кўп. Те- рим тўла қувват билан давом этмоқда. Зеино аъзолари хом ашёнинг сўғити мисқолигача давлат омибига етказиб бе- ришга аҳд қилишди.

А. ЭҒАМОВ.

ОБЛАСТИМИЗ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА
ТАЙЕРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА

29 СЕНТЯВРГАЧА БЎЛГАН

МАЪЛУМОТ

(планга нисбатан процент ҳисобида).

Биринчи усту — районлар; иккинчи усту — бир кун- да тайёрланган; учинчи усту — мавсум бошидан бўён; тўртинчи усту — машина терими — бир кунлик; бешин- чи усту — мавсум бошидан бўён.

Пискент	4,34	17,16	4,56	10,46
Оққўрғон	2,89	10,97	3,17	6,22
Чиноз	1,37	10,62	0,42	0,42
Бекобод	2,34	10,53	1,72	4,17
Бўка	2,80	9,38	3,17	6,19
Урта Чирчиқ	3,06	6,73	3,42	7,21
Янгийўл	1,13	5,67	0,43	0,67
Кожмунистик	2,10	4,02	2,56	4,95
Ғалаба	0,33	0,58	0,28	0,42

Область бўйича: 2,35 8,67 2,31 4,80

СЕССИЯ КУНДАЛИГИ

(Давом. Боши
1-бетда).

баъзи масалаларни кўламга қолдиришга тўғри келар, деган тахмин ҳам айтилди. Бу марса СССР Олий Советининг экология ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш комитетиде мамлакатнинг келгуси йилга мўлжалланган плани ва бюджетни лойиҳалари кўрсаткичларини муҳокама қилишнинг руҳи ва суръатига таъсир қилмай қолмади, чоғи. Депутатлар шу ҳужжатларни таҳлил этганларида, уларнинг фикрича, плани тартибда ҳал этилиши лозим бўлган табиатни муҳофаза қилишга оид энг зарур муаммоларга эътиборни қаратмоқдалар.

Бугун СССР Давлат табиатни муҳофаза қилиш комитети раисининг биринчи ўринбосари П. И. Полетаев доклади бўлиб, муҳокама қилинганлигининг сабаби ҳам мана шунда.

СССР Олий Советининг

гражданиларнинг айрим катэгориялари фойдаланадиган кинтэзларни кўриб чиқиш комиссияси дастлабки натижаларга эришди. СССР Соғлиқни сақлаш министриги ўртинчи бош бошқармасининг болалар поликлиникаси депутатларнинг тавсияси билан умумий фойдаланиш учун берилди. СССР Олий Совети Иттифок Советининг раиси, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига номзод Е. М. Примаков шунинг маълум қилди.

Мажлисда комиссиянинг ишини бир қанча соҳалар: соғлиқни сақлаш, санаторий-курорт ташкилоти, савдо, транспорт, маиший хизмат, маданият, уй-жой ва пенсия таъминоти соҳалари бўйича ушатиришга қарор қилинди. Шу соҳалар бўйича кичик комиссиялар тузилди. Улар маълумот йиғиш ва таҳлил этиш билан шугулланади.

(ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ

КОМИТЕТИДА КЕНГАШ

28 сентябрь куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетиде бўлган кенгашда партия комитетларининг КПСС Марказий Комитети 1989 йил сентябрь Пленуми материалларини тушунтириш борасидаги вазифалари муҳокама қилинди. Кенгашда область, шаҳар ва район партия комитетларининг секретарлари қатнашдилар.

Кенгаш қатнашчилари сиё-

сий маориф системасида янги ўқув йилга тайёргарликнинг бориши, уни такомиллаштириш йўллари ва мафкуравий ишларнинг бошқа долзарб масалаларини ҳам муҳокама қилдилар.

Кенгашда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Н. Х. Ҳамидов нутқ сўзлади.

(ЎЗАТАГ).

• Журналистлар билан учрашувлар

ОШКОРА МУЛОҚОТ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ ХАВФСИЗЛИК КОМИТЕТИНИНГ
ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ БЎЙИЧА БОШҚАРМАСИ РАЎБАРЛАРИ
«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» РЕДАКЦИЯСИДА

ҚАЙТА куриш кўпгина тасаввурларимизни ўзгартириб юбормоқда. Яқин-яқингача давлат хавфсизлиги органлари «етти қулф» ортидаги ташкилот ҳисобланарди. Уларнинг фаолиятини қозғога туширишни ҳаёлга келтириш қийин эди. Бугунги кунда эса комитет ходимлари меҳнаткашлар билан тобора кенгроқ мулоқотда бўлмоқдалар. Улар ўз ишлари ҳақида имконият даражасида гапириб бермоқдалар. Хавфсизлик комитети ходимларининг фаолияти эса биргина жосуслар ва хонларга қарши курашдан иборат эмас. Улар ҳозир ички ишлар органлари билан яқин ҳамкорликда уюшган жиноятчиликка, қонунбузарликнинг бошқа жиддий кўринишларига қарши қатъий кураш олиб бормоқдалар.

Кунини кеча редакциямизга журналистлар билан учрашиш учун келган Ўзбекистон ССР Давлат хавфсизлик комитетининг Тошкент области бўйича бошқармасининг бошлиғи Т. Орипов, бўлими бошлиғининг ўринбосари Ш. Шарифжоневлар ҳам бугунги кунда хавфсизлик органлари олиб бораётган ишлар ҳақида батафсил гапириб бердилар.

Маълумки, ҳозир шахсга сиғиниш даврида ноҳақ айбланган ва қонунсиз жазоланган кўплаб кишиларнинг ишлари қайта кўриб чиқилмоқда. Бу ишда партия комитетлари, жамоатчилик ташкилотлари билан биргаликда давлат хавфсизлик органлари ходимлари фаол иштирок этмоқдалар. Уларнинг олиб борган ишлари натижасида ҳозирнинг ўзида кўплаб кишиларнинг пок

номлари тикланди. Тошкент область бошқармаси ходимлари бу ишни давом эттирдилар.

Область бошқармасида уюшган жиноятчиликка қарши кураш бўйича махсус гуруҳ ҳам ташкил этилди. Унинг ходимлари СССР Олий Советининг қарори билан жойларда тузилган жиноятчиликка қарши кураш бўйича муваққат кенгашлар билан яқин ҳамкорликда иш олиб борадилар.

Вазият кооперативлар ташкил қилиниши муносабати билан юзага келган уюшган жиноятчиликка қарши курашни кучайтиришни тақозо этмоқда. Учрашувада ҳар хил кўзбўямачиликлар, қўшиб ёзишлар оқибатида содир қилинган жиноятларни очишда хавфсизлик органлари ходимларининг фаолиятига ҳам тўхтаб ўтилди.

Қисқаса давлат хавфсизлик органлари ходимларининг машаққатли меҳнатлари, сезгирликлари билан ашаддий жиноятлар фош этилмоқда. Мухими — хавфли жиноятларнинг олди олинмоқда.

Сўхбатда журналистлар кўпгина саволларга батафсил жавоб олдилар. Бундай учрашувларни анъанага айлантиришга келишиб олинди. Газета саҳифаларида «Ўзбекистон ССР Давлат хавфсизлик комитетининг Тошкент области бўйича бошқармасида» рубрикаси очилмакда мувофиқ деб топилди.

Жиноятчиликка қарши курашга бағишлаб

Бутун мамлакатда бўлгани каби республикамизда ҳам жиноятнинг оғир турлари содир этилиши тобора кўпайиб борапти. Бунга қарши кураш учун турли тадбирлар амалга оширилмоқда. Жиноятчиликнинг олдини олиш ва қайтаришда вақтли матбуот органлари ҳам кўп фойдали ҳисса қўишлари мумкин, бу соҳада уларнинг олдида ҳам катта вазифалар турибди.

Матбуот уйда Ўзбекистон ССР прокуратураси ва республика Адлия министригининг масъул ходимлари билан ҳуқуқ-ахлоқ мавзусида қалам тебратувчи журналистлар ўртасида бўлиб ўтган давра сўхбати шу мавзуга бағишланди. Ўзбекистон ССР прокуратурининг ўринбосари вазифасини бажарувчи Ибрагим Романович Читаков, республика прокуратураси тергов қисмининг бошлиғи Пўлат Азизович Саматов, Ўзбекистон ССР Адлия министриги ҳуқуқ тарбия бўлимининг

бошлиғи Носир Қодирович Абдурахмонов, шу министрилик кадрлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Элдор Балажонвич Мамедов ва суд органлари бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Улуғбек Махаммадалиевич Содиков ўртоқлар республикада жиноятчиликнинг ҳозирги аҳоли тўғрисида журналистлар билан фикрлашдилар, кўплаб саволларга жавоб бердилар.

Ҳозир авж олаётган уюшган жиноятчиликка, рэкетчиларга, гниҳвандликка, граждандарнинг шахсий мулкни ўғирлашга қарши кураш усулларини қандай такомиллаштириш ва кучайтириш сўхбатдошларнинг асосий эътиборида бўлди. Бу ишда маъмурий органлар билан матбуот ходимлари ўртасидаги алоқани мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг Тошкент бўлими ҳузурида мувофиқлаштирувчи кенгаш тузишга келишиб олинди.

Х. АЛИМОВ.

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИ

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг 28 сентябрь куни бўлиб ўтган навбатдан ташқари сессиясида Тошкент метрополитенининг бошлиғи бўлиб ишлаган Шоноят Раҳимович Шоабдурахимов Тошкент шаҳар ижроия комитетининг раиси этиб сайланди. Сессия Х. Ҳ. Гуломов Ўзбекистон ССР Меҳнат ва социал масалалар давлат комитетининг раиси этиб тайинланганлиги муносабати билан уни шаҳар ижроия комитетининг раиси вазифасидан озод қилди.

Ўзбекистон пойтахтининг меҳнат коллективлари Тош-

кент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси лавозимига еттига номзодни тақлиф этдилар. Дастлабки муҳокама икки ҳафта давом этди. Натижада учта номзод танлаб олинди. Сессияда депутат Ш. Р. Шоабдурахимов мутлақ кўпчилик овоз билан сайланди.

Сессия қатнашчилари бошқа бир қанча масалаларни ҳам кўриб чиқдилар.

Сессияда Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари А. И. Фозилбеков нутқ сўзлади.

(ЎЗАТАГ).

• «Инсон ва табиат» бўлими почтасидан •

ШАҲАР УЗРА ҚОРА ҚУРУМЛАР

БЕКОБОД — пойтахт об-ластимизнинг йirik саноат марказларидан ҳисобланади. 83 минг аҳолиси бўлган бу шаҳарда экологик вазият йилдан-йилга мушкуллашмоқда. Бунинг энг асосий сабаби чиқиндилари билан атроф-муҳити ва атмосфера-ни ифлослантираётган манбаларнинг кўпайиб бораётганлиғидир.

Ҳозирги вақтда шаҳарнинг унча катта бўлмаган майдо-нида элликан ортиқ саноат корхоналари, транспорт ташкилотлари бор. Улар ҳар йили атмосферага йигирма минг тоннадан кўпроқ зарарли моддаларни чиқаришмоқда-лар, ҳаво ҳавасини ниҳоятда булғамоқдалар.

Бундай манбалар орасида Ўзбекистон металлургия за-води энг йирингдир. Бирги-на шу корхона ҳар йили ҳа-вога 14 минг 300 тонна за-ҳарли моддаларни тарқата-ди. Тозалаш иншоотлари қу-ватининг камлиги, мавжуд-ларидан ҳам самарали фой-даланмаслик оқибатида жу-да кўп заҳарли моддалар нормадан ошади, бир неча ба-робар ортинча чиқаришмоқда.

Корхонада биргина кўр-го-ни ва унинг бирикмалари-дан атроф-муҳитга тарқати-лаётган заҳарли мод-да 22 тоннадан ош-и-роқни ташкил этмоқда. Унинг фақатгина учдан бир қис-ми тозаланмоқда. Қолгани, яъ-ни 13,5 тоннаси ҳеч қандай то-залаш иншоотларидан ўт-каз-илмай тўғридан-тўғри ат-мосферага чиқариб юборил-моқда. Олтингурут ангири-дининг ҳаммаси эса атмос-фера тарқалмоқда. Унинг миқ-дори йилга 271 тоннадан ор-ти-пти.

Корхонанинг бошқа зарар-ли чиқилари ҳам деярли то-заланмаяпти. Масалан, угле-род оксидининг тозаланмас-дан атмосферага чиқарилаёт-ган ҳажми минг тоннадан ош-моқда. Сувни булғаетган оқа-валар составидаги олтин-

гугурт кислотаси миқдори бирнеча йиллар давомида сезиларли даражада камай-маётганлиги ҳам ташвишли-дир. Биргина ўтган йили минг тоннадан ортиқ заҳар-ли модда тозаланмасдан оқи-зиб юборилди. Бу сув ҳавза-ларида экологик муҳитнинг бузилишига олиб келди.

Ҳозирги вақтда металлур-гия заводининг ўзида атроф-муҳити ва атмосфера-ни иф-лослантираётган сал кам 100 та манба бор. Уларнинг айримлари тозалаш мослама-лари билан таъминланган. Фақатгина 37 тасида газ то-заловчи иншоотлар бор. Мав-жудларининг ҳаммаси ҳам тўла қувват билан ишлайпти, деб бўлмайди. Тўғридан бир қисми кўп вақт тўхтаб ту-ради, самарасиз ишлайди.

Корхонанинг ишлаб чиқа-риши эҳтиёжлари учун фой-даланилган оби ҳаётни тоза-лаш ҳам жуда қонқарсиз аҳ-волдадир. Завод ҳар йили сал кам 28 миллион куб метр ҳажмдаги сувни ишла-тади. Ишлаб чиқаришда фойдаланилганининг ҳам-маси ҳам етарли тозалан-майди. Шундай ифлос оқа-валар ҳар йили 8—9 милли-он куб метр миқдорда бўл-моқда. Чала тозаланган бу сув Сирдарёга оқибиб юбо-риляпти. Бу билан дарё су-вининг ифлосланишига «ҳис-са» қўишмоқда.

Шаҳардаги яна бир йирик корхона — цемент заводида таркиб топган экологик аҳ-волни ҳам қонқарли деб бўлмайди. Бу ерда ҳам иш-лаб чиқаришнинг заҳарли чиқиндиларини атроф-муҳит-га тарқатишнинг олдини олишга бефарқ муносабатда бўлишмоқда. Заводда ҳар йили зарарли чиқиндилар чиқилиши камайтиришга қ-ратилган кўплаб тадбирлар белгиланади, бироқ уларнинг аксарияти амалга ош тай қо-либ кетади.

Ҳар йили тозаланмасдан

атмосферага тарқатилаётган зарарли моддалар ҳажми беш минг тоннадан ҳам ош-иб кетмоқда. Бу шаҳар ва унинг атрофидаги қишлоқлар эко-логиясига салбий таъсир қи-лмоқда.

Норудда материаллар за-води, темир-бетон буюмлари ва бинокорлик материаллари комбинати, пахта тозалаш заводи ва қатор бошқа кор-хоналар ҳам ўз ишлаб чиқа-ришларининг зарарли модда-ларини тонна-тонналаб ат-роф-муҳитга тарқатмоқда-лар. Уларда бундай аҳвол-нинг олдини олиш учун де-ярли чора-тадбир кўрилма-япти.

Автомобиль транспорт-и ҳам атмосфера ҳавосини иф-лослантирмоқда. Ҳозирги вақтда шаҳарда етти мингта атрофида машина бор. Улар ҳар йили атроф-муҳитга 26 минг тонна углеводород, 1,5 минг тоннадан кўпроқ азот оксиди ва бошқа шу каби заҳарли моддаларни тарқат-моқда. Атмосфера ҳавосини бундай ифлосланиши ки-шилар саломатлигига ҳам таъсир қилмоқда. Яқин ат-рофдаги колхозлар ва сов-хозлар деҳқончилигига за-рар келтирмоқда.

Табиатни муҳофаза қилиш қонуни-қоидаларини бузаётган бундай корхона-ташкил-лотлар раҳбарларига нисба-тан талабчанлигини ошириш, бунинг учун таъсир этиш-нин бarcha воситаларидан оқилона фойдаланиш керак. Шаҳар ижроия комитети ва жамоат ташкилотлари бу му-ҳим ишда тартиб ўрнатиш учун зарур чораларни кў-ришлари лозим.

Ф. ШАМСИЕВ.
Тошкент область таби-
атни муҳофаза қилиш
комитетининг етакчи
мутахассиси.

Д. ТОШМАТОВА.
комитет ҳузуридаги
жамоат кенгашининг
масъул котиби.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси қонунлари лойиҳалари муҳокамада

МАМЛАКАТИМИЗ сиёсий системасини ислоҳ қилиш янги босқичга кириб кетмоқда. «Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий Қонуни)га ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида», «Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлари сайлови тўғрисида» ва «Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий Советлари депутатлари сайлови тўғрисида»ги қонун лойиҳаларининг эълон қилингани бунинг далилидир. Лойиҳалар тўғрисида фикр билдиришга ҳар биримиз ўзимизнинг гражданлик бурчимиз деб қарашимиз керак. Шу боис улар хусусидаги баъзи мулоҳазаларимизни айтишни лозим топдик.

Дастлаб Конституциямизга киритилган ўзгариш ва қўшимчаларга тўхталганимиз бўлса, 93-модданинг 3-сатр бошида «Сайлов бюллетенига исталганча номзод киритилиши мумкин» дейилган. Бизнингча, ана шу сатр бошини «Лекин номзодлар сони иккитадан кам бўлмаслиги шарт» деган қўшимча билан тўлдириш лозим. Худди ўша 93-моддада депутатликка номзодлар кўрсатиш ҳуқуқи барча коллективлар қатори жамоат ташкилотларига ҳам берилиши айтилганки, бу айни муддао бўлган. Лекин 104-модда депутатларнинг ҳаммаси сайлов округларидан сайланиши кўзда тутилган. Бу ерда 93-модда билан 104-модда бир-бирига зид келади демоқчи эмасмиз, аксинча, улар бир-бирини тўлдирди. Бироқ биз сайловчилар худди СССР халқ депутатлари сайлови жараёнида бўлгани каби республикамиздаги жамоат ташкилотлари ҳам Ўзбекистон ССР Олий Советига депутатлар сайласа деган умидда эдик.

Қонун лойиҳасининг 108-моддасидаги сатрбошини қуйидаги тахрирда беришни

таклиф қиламиз: «Ўзбекистон ССР қонунларини, Ўзбекистон ССР Олий Советининг қарорлари ва бошқа ҳужжатларини Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлари умумий сонининг учдан икки қисми ёқлаб овоз берган тақдирда улар қабул қилинган деб ҳисобланади». «Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлари сайлови ҳақида»ги қонун лойиҳаси-

коллективларида кўрсатиш мумкинлиги қайд этилган. Ана шу 31-модданинг 3-сатрбошида эса жамоат ташкилотларидаги депутатликка номзод кўрсатиш уларнинг област, район, шаҳар, шаҳарлардаги район органлари — конференциялари ёки пленумларида кўрсатилади, дейилади. Ахир жамоат ташкилотларининг район органларида 200 эмас, ҳатто

рак. Лойиҳадаги 33-модданинг 4-сатрбошида мулоҳазали ўрин бор деб ўйлаймиз. Бу ерда депутатликка номзодни рўйхатга олишдан бош тортиш мумкинлиги хусусида гап боради. Бизнингча, шу мазмундаги жумлалар ортқи-ча. Ахир номзод амал қилиниш керак бўлган қонун талаблари асосида кўрсатилса, нега энди уни округ сайлов комиссияси рўйхатга олишдан бош тортиши керак экан. Бу айрим бирократ-туралар учун қўл келиши мумкин. Шунинг учун округ сайлов комиссиясига бундай ваколатни бериб бўлмайди, деб ҳисоблаймиз.

Агар округ сайлов комиссияси икки ва ундан ортиқ депутатликка номзодни рўйхатга олса, умумий сайлов арасида депутатликка номзодларнинг ўрни бўшаб қолишининг олди олинган бўлар эди.

31-моддада яна бир мунозарали ўрин бор бўлиб, унда йигилишлар истиқомат жойларида камиди 100 сайловчи қўллаб-қувватлаган ташаббус билан қабул қилинган, дейилса, унинг давомида йигилиши ўтказиш-ўтказмаслик масаласини халқ депутатлари Совети, унинг президиуми томонидан округ сайлов комиссияси билан биргаликда ҳал этилишига шавъа қилинган. Бизнингча, бу — нотўғри. Шунинг учун биринчида, депутатликка номзод кўрсатиш ҳуқуқи 200 кишилик коллективларга берилар экан, йигилишларда ҳам 200 киши қатнашиши қонулаштирилиши керак. Иккинчидан, округ сайлов комиссияларининг ваколатларини чеклаб қўйиш лозим, акс ҳолда комиссия аъзоларининг либераллик қилишларига йўл очиб берилади.

Мирзаахмад Тўлаев, Окўрғон районидagi 27-ўрта мактаб ўқитувчиси.

ФУҚАРО—БУ
КЕНГ ТУШУНЧА

ЎЗБЕКИСТОН ССР Олий Совети депутатлари сайлови ҳақидаги қонун лойиҳасининг умумий қондалар ҳақидаги 2-моддасида Ўзбекистон ССР граждандарининг сайлов ҳуқуқларини уларнинг келиб чиқиши, соқил ва мулкий мавқеи, ирқий ва миллий мансублиги, жинси, маълуоти, тили, динга муносабати ва ҳокимзо жинҳатларига қараб бирон бир даражада бевосита ёки бивосита чеклаш тақиқланади деб ёзилган. Бироқ шунинг ҳам унутмаслигимиз керакки, фуқаро (гражданин) тушунчасини маълум жумҳурият зами-нида рўйхатдан ўтиб яшаётган одам маъносидан тор тушуниш хато бўлур эди. Афсуски, биз бунинг унутиб қўйдики ва бизнинг назаримиздаги фуқаро тушунчаси ҳозир ўзининг азал-ли маъносини йўқотган.

Бизнингча, фуқаро — бу ўз яшаб турган элнинг иқтимоий, иқтисодий-сиёсий равиқни ва мустақиллигидан манфаатдор шахсдир. Лекин жумҳуриятимизда яшаётган ҳамма граждандар ҳам халқимизнинг урф-одатини, тилини, иқтимоий-иқтисодий муаммоларини билдиларми ва билган тақдирда ҳам уларнинг жумҳуриятимиз равиқи йўлидаги ривожидан манфаатдорларми? Бу саволларнинг жавоби жамият учун муҳим аҳамиятга эгадир.

Шунинг учун мен қонун лойиҳасининг 2-моддасига қуйидаги ўзгаришни киритишни тақлиф этаман: «Ўзбекистон ССР Олий Советига сайланадиган депутатлар Ўзбекистонда 10 йил ёки номзодни кўрсатган сайлов округи территориясиди 5 йил яшаган бўлиши лозим».

Ўзбекистон ССР маҳаллий Советларига сайланадиган депутатларнинг Ўзбекистонда 8 йил ёки номзодни кўрсатган округ территориясиди 4 йил яшаган бўлиши талаб қилинади. Ўйлаймизки, шундай бўлган тақдирда Ўзбекистон ССР граждандар деган сўз ўзининг қонуний маъносини олган бўлади.

Э. УМАРОВ,
хизматчи.

ГРАЖДАНЛИК БУРЧИМИЗ

нинг 20-моддасида Марказий сайлов комиссиясининг ваколат муддати беш йил деб белгиланган тўғри қилинган. Энди ала шу қондан округ сайлов комиссияларига ҳам жорий этиб, лойиҳанинг 22-моддасини «Округ сайлов комиссияларининг ваколат муддати 5 йил» деган жумла билан тўлдириш керак, чунки лойиҳанинг 23-моддасидаги 12-банд ана шунинг тақозо этади. Ахир округ сайлов комиссияси депутатни қақриб олиш билан боғлиқ масалани ҳал қилар экан, унинг ваколат муддати ҳам қонуний йўл билан мустаҳкамланиши лозим. Худди ана шу қондан маҳаллий Советларга сайлов ўтказувчи сайлов округлари комиссияларига ҳам жорий этиш керак, деб ўйлаймиз.

Лойиҳанинг 31-моддасида депутатликка номзодларни тегишли сайлов округи жойлашган ва камиди 200 кишидан иборат бўлган меҳнат

100 киши ҳам йўқ-ку. Устига устак яна ўша 31-модданинг 7-сатрбошида йигилишда 300 кишининг қатнашиши шарт қилиб қўйилмоқда. Бизнингча, бу реал эмас. Чунки СССР халқ депутатлари сайлови кампанияси бунинг яққол кўрсатди. Масалан, Ленинград шаҳри ва областада, шунингдек бошқа кўпгина жойларда сайлов комиссиялари 500 кишилик аудиторияларни деярли таъминлай олмадилар. Аксича, қатор ҳолларда 100 кишидан кам сайловчи қатнашган йигилишларнинг қарорларини ҳам қабул қилишга ва ўша жойларда депутатликка кўрсатилган номзодларни рўйхатга киритишга тўғри келди. Шунинг учун бизда йигилишда қатнашиши шарт бўлган кишилар сонини 150 киши қилиб белгиланган жоиз бўлади. Чунки қишлоқларимиз шароитида бундан кўп одамни тўплада жуда қийин эканлигини тан олишимиз ке-

Пойтахтни кезганда

КЎЧАЛАР ВА НОМЛАР

— Келишни қаердан туширдигиз, кўчиникон?
— Нозимахонимдан...
— Ие, бу жой қаерда экан? Номи бунча чиройли...
— У ерларда исми-жисмига жонанд кўчалар кўп экан, айланай. Олимлар туради-да. Билиб қўйишди номларини ҳам.

Бу икки онахоннинг суҳбатини яқиндагина трамвайда эшитган эдим. Ушандан бери қаерга бормай, албатта кўчасининг номига қарайман. Бирини қўйиб қувонаман, бирини кўриб қўйман...

Менимча, ҳар нарсанинг — яхшининг ҳам, ёмоннинг ҳам меъёри бўлади. Лекин ўйламай қилинган иш бир-бирга уланиб кетаверса, одамларга қонуниятдай туйилиб қоларкан. Масалан, Тошкентдаги

Тельман номидаги маҳалла Киров районининг анча эски, ярим асрдан зиёд тарихга эга бўлган жойлардан биридир. Ўз вақтида Германия коммунистларининг етакчиси, таниқли антифашист арбоб бўлган Эрнст Тельманга атаб маҳаллага унинг номи берилган эди. Ким билсин, ўшандан бери маҳалла пешонасига байналмилалчилик тамга қилиб босилганми, ҳозирги кунда 2 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қиладиган маҳалла кўчаларини «сайр» қилиб, умуман Ўзбекистонда яшайётганлигинизга шубҳа қила бошлайсиз.

Маҳалланинг бош кўчаси Тимирязев, ундан юрб Шчорс, Гроздобов, Цимлянская, Громов, Мечников, Молоков, Мазурук каби кў-

ча номларини учратасиз. Бундай ҳўжа кўрсинга «байналмилалчилик» биргина бу маҳаллага хос эмас. Ёнимиздаги Бодомзор, Гидростанция, Фирдавсий маҳаллаларида ҳам ахвол бундан яхши эмас. Қўшни маҳаллалардаги Вавилов, Павленко, Шчербаков, Котовский, Орехов, Сибирская, Жданов номи кўчалар бир вақтлар пухта ўйламай шундай атала бошлаган. Лекин улар ўз жойларига муносиб қилиб қўйилган деб бўладими? Давр, замон ўзгаришти. Лекин биз эски католарни тузатишни натамалиймиз. Биргина Ждановин олайлик. Аллақачон бу сталинпараст тарихий шахс номига қўйилган жойларнинг қайта номланиши хусусида кўплаб гап-сўзлар бўлиб турса-да, бизда ҳеч ким «шу ном бизга муносиб-ми?», деб ўйламапти.

Наҳотки, ўзбек маҳаллаларидаги кўчаларга номи қўйилишига муносиб одамларимиз бўлмасми?

Бизнингча булар ҳақида чуқурроқ ўйлаб кўриш лозим.

М. МИРАЛИЕВ.

БИЗНИНГ ИСТАКЛАРИМИЗ

ЎЗБЕКЛАРНИ миллат сифатида белгилувчи асосий омил ўзбек тилидир. Афсуски, она тилимиз йилдан-йилга инкироз домига кириб бормоқда. Ота-боболаримиз ишлаган қанчадан-қанча сермазмон сўзлар унутилиб кетаяпти. Ўзбек тили давлат идораларидан, расмий доиралардан ўзимиз сезмаган ҳолда аста-секин сиқиб чиқарилимоқда. Қисқаси, тилимиз республика ҳукумати ҳимоясига муҳтож.

Шу йилнинг бошланғичида ўзбек тилига давлат тили мақоми бериш тўғрисида кўп яхши гаплар бўлди. Матбуотда эълон қилинган Тиллар тўғрисидаги қонун лойиҳасининг 1-моддасидаги «Ўзбекистон ССРнинг давлат тили ўзбек тилидир» деган жумла халқ дилида умид учқунини пайдо қилди. Бироқ қувонишга ҳақиқат эрта экан. Қолган мод-

даларни ўқир эканмиз, «ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши шунми? Наҳотки умидларимиз пуч бўлса, деган савол кўнданг бўлаверди. Шунинг учун ҳам лойиҳага қатор ўзгаришлар киритишга маълум топдик. Республикада яшовчи бошқа миллий ғуруҳларнинг тилларини камситмаслик мақсадида 22, 23, 25, 28-моддалардаги «рус тили» жумласини олиб ташлашни, 24-

моддани эса қуйидагича тахрир қилишни тақлиф қиламиз: «Ўзбекистон ССРда араб алифбосига асосланган эски ўзбек ёзувини дарслар ўзбек тилида ўтиладиган умумий таълим мактабларида 1-синфдан бошлаб ўқитилади. Бунинг учун тегишли илмий-педагог кадрлар тайёрланади, тарихий-адабий манбалар ва методик ўқув қўлланмалари нашр этилади». Шунингдек, 26-моддада «таъминлайди» сўзидан сўнг нуқта қўйиб, «умумий таълим мактабларида давлат тили бўйича битирув имтиҳонлари, ўрта махсус ва олий ўқув ортларида эса кириш ва битирув имтиҳонлари топирилади», деб

кўрсатиш мақсадга мувофиқдир.

Умуман, Ўзбекистон ССР Олий Совети қошида тил масалалари бўйича ташкил этилган комиссия аъзолари ўзбек халқининг ўз тили тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларини тўлиқ эътиборга олган ҳолда иш тутишлари лозим. Шундангина улар қайта кўриш ва ошқоралик талабларига рияз этган бўладилар.

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов район «Ғалаба» маҳалласида истиқомат қилувчилар номидан
Р. ИСОМОВ, М. СУННАТОВ
ва яна 242 та имзо.

• Адабиёт ва санъат •

ШОИР ва драматург Ҳайдар Муҳаммад «Хотинлар гапидан чиққан ҳангома» номи икки пардали пьесасини ёзиб тутатди. Унда онланинг муқаддаслиги, унинг тақдир билан ҳазиллашиб бўлмаслиги, барбод бўлиши мумкин деган ғоя илгари сурилган. Пьесада Ҳалима деган ёш жувон «гап»да эрини ҳазиллашиб, бева Саломатга бир ярим янги «сотиб» юборлади. Толиб акани «куёв» қилиб, «ёр-ёр» билан олиб келишади. «Гап» дастурхонини тўй дастурхонига айланади. Бир марта Саломатхон билан «дийдор»лашган Толиб қайтиб уйига боргани келмай қолади. Ҳалима уни судга беради. Қарангки, суд Толиб билан Саломатхонни ёқлайди. Бунга чидалмаган Ҳалима ўзини-ўзи ёқоради.

Қуйида мазкур асарнинг бир кўриниши билан танишасиз.

Саломатхоннинг уйда хурсандчилик аниқга чиққан. «Гап» ўйнайдиган аёлларнинг бири қосинини терган, бири юзига ёғ уша сурган. Яна бири эса кийимларини ёйиб ташлаб чиройли гулди ички кўйлак талламоқда. Худлас, улар ўзларича қизқичлик қилиб ҳар хил хуналар кўрсатишади.

КЛАРА — Саломат ўлгур, жудаём пишқисан-а, келинликдаги ҳамма нарсангнинг таби бўзилмай турганини қара-я.

САЛОМАТ — (ҳазил қилиб). Яна келин бўлишимни билардим-да.

КЛАРА — Ундан чиқди, ана сандиққа авайлаб соб-қўйсан, бир кун яна...

САЛОМАТ — Бўлмасам-чи, келинлик завқидан яхши нарас борми?

КЛАРА — Иштаҳанг чакимас, келинликнинг қондасини сента ўргатворайми?

САЛОМАТ — Майли, кўп қизларга янга бўлиб тажрибанг ошиб кетган. Мен эса ҳеч балони билмайман.

КЛАРА — (ўргата бошлади). Куёв келганида тагини жангирдан уриб, бошини айланиб, кўзинг тиниб дарров олдиға пилдираб боравермагин.

САЛОМАТ — Хўп.

КЛАРА — Куёв сени бироз кўзлари нигорон бўлиб қутса ширинроқ бўласан.

САЛОМАТ — Хўп.

КЛАРА — Столга ўтирганлариде майин овоз билан «Олинг, нега ҳеч нараса емайсиз?» деб тургин. Тагини ўзинг овқатни тул-гуп тушириб, куёвга «Нега овқатга қарамайсиз, бироз сизни ўттиз иккити тишини тошман уриб қоқволганми?» дегмагин.

САЛОМАТ — Хўп, «Овқат емасайиз тишларини ўзим қоқволам» дейми?

КЛАРА — Бунақа гапни озингдан чиқара қўрма. Куёв ўриндан туриб кетворса, нима қиласан?

САЛОМАТ — (ҳазиллашиб). Хавотир олманг, хоним, пули тўланган. Мабоодо кетиб қолса, хотини қулоғи-

дан бураб олиб келиб ташлаб кетади.

КЛАРА — Ўл! Пули тўланган бўлсам ширин-ширин гаплардан гапир. Тагин дарров уйинг келиб қолмасин.

САЛОМАТ — Вой, Клара, ўлгур, ўша қуриб кетгурсири гапни яхши билмайман-да.

нат куёв. Шунинг учун қанча нозу қарашманг бўлса ишлатавер, бир маза қилиб қулишамиз.

(Малика киради).

МАЛИКА — (Тантанавор. Куёв келди! Куёв келди! Келинпошша яхши тиниб қолди ўнг оёғини босиб қутволди-га тайёринсиз?)

КЛАРА — Тайёри! Учи найза пошнади туфлисини кийди. Оёғини шундоқ босиши билан «гирч» этиб оёғини болга михлаб қўяди. Фақат куёв «вой-дод» девормаса бўлди.

МАЛИКА — Ҳой, жувонлар! Бўлларинг тезроқ! Музча янвирсийсанлар!

КЛАРА — Опа, ҳозир қарнай-сурнай, ногора базми қўйвораман.

Бориб магнитофон тугмасини босади. Шўх музика сандлари уйни тўлдирди. Аёллар келиннинг бошига чодир

• Ўзбекистон ёзувчиларининг

янги асарлари

«ХОТИНЛАР ГАПИДАН
ЧИҚҚАН ҲАНГОМА»

КЛАРА — Наҳотки, ўз йил эр кўрган жувон ширин гап қанақалигини билмасанг?

САЛОМАТ — Қуриб кетсин, эримни кўрдим дегунча тилимга тугун тушиб, соқов бўлиб қолардим. Қўзим юмилди, ўзимни йўқотиб қўярдим. Қолгани борди-келди гаплар.

КЛАРА — Бошқа жойда бурро-бурро валдирайверману, аммо эримнинг олдида манад шунақа бўп қолам. Сичқонни авраган илондай сеҳрлаб қўядими улар, нима бало?

САЛОМАТ — Эракларнинг ўзи сеҳрлаб қўйдиган бир балоси бор.

КЛАРА — Тўғри «эр» деган сўзинг ўзи менимча, «эрий, эримоқ, эритмоқ» сўзидан олинган бўлса керак. Эрим доим менга келиб:

КЛАРА, биласанми, афанди айтмоқчи, худо хоҳласа эрийман, дерди. Бунақа гаплар қонунини эр-хотин ўртасида бўлаверди. Лекин бугун келадиган куёв — омо-

тутиб «ёр-ёр» айтишади. Бир ёнида Ҳалима, бир ёнида Малика билан қўлда шилдиқроқ салафанга ўралган бир даста гул ушлаган Толиб тантанавор кириб келиб келинларга яқин жойда тўхтайд.

ҲАЛИМА — Саломатхон — қундош эмас, синглим бўлур, ёр-ёр...

Қундош дейишга қандай меннинг қўнглим бўлур, ёр-ёр...

МАЛИКА — (Саломатга). Келинпошша келақолинг, куёв тўра гул тутмоқда, гулни олинг!

КЛАРА — Хўп, куёвёнга — Малика опа олдин ширинқомани чўзинг! Келин, кел деса шундоқ, қуруқдан қуруқ кетаверар экан-да. Иримини қилинг, иримини.

МАЛИКА — (Толибга). Куёв тўрам атаганингизни чинаринг!

ТОЛИБ — (чўнтагини кавлаб). Янга, пул эски қос-тўнмида қилиб кетибди-ку.

МАЛИКА — Вой, бу куёв тўраям шунақа шалвираган бўладими?

ТОЛИБ — Қўверинг, янгамойи, учинчи уйланганимда пишқироқ бўламан.

МАЛИКА — Ҳой, Клара, ҳозир замон бошқача, ҳозирги янгалар ҳам «хозрас-чег»га ўтган. Ўзини-ўзи пул билан таъминлайди. Куёвини қоқштирамайди, билдизми? (Толибга қараб) Майли, пул бўлса бир гап бўлар. Бир гап гапиринг, эсда қолсин.

ТОЛИБ — (ҳазил қилиб). Худо хоҳласа, сизгайм уйланаман.

ҲАЛИМА — Ҳой, Беш-қайрағоч массивига ота бўлмоқчиминсиз?

ТОЛИБ — Сен жим тур, пули тўланган эракман. Ким хоҳласа уйланавераман.

МАЛИКА — Ҳо, жононлар! Гапни қўвордиларинг, икки юрак интизор бўлиб қолди.

Бир-бирига етишсин, дийдорига тўйинсин.

облоху анбар! (Икки томон бир-бирига яқинлашади. Саломат Толибнинг қўлидан гулни олади).

САЛОМАТ — Ассалому алайкум, азиз Толибхон ака. Менинг эрак қадамин анчадан бери етмаган қулбамга ташириб буюриб қўнглим осмонини хуршиди оламдай ёритиб, ўнг қасотидида бахт, чап қасотидида саодат, юрагидида муҳаббат олиб келган афсонавий ҳумо қўшини бошимга қўндирдингиз. Бугун бу оққуш осмон тоқидида барча жимжима, олмос юлдузларни кўзларимга жо қилдингиз. Сизнинг бу ташириғизга бир жоним эмас, минг жоним фидо бўлсин.

МАЛИКА — (Кларага). Бало-ку, бу сўзларни қайси китобдан ёдлаган.

КЛАРА — (кўзини ўйна-тиб). Қўнғил китобидас, опа-жон, қўнғил китобидан...

МАЛИКА — Куёв тўра, энди жавоб сиздан.

ТОЛИБ — Саломатхоним, мен сизнинг сотиб олган қўнғилгаман. Қўнғил эса ихтиёри хўжайинида. Бахтидан ўргилайки, сиздек ҳурилиқ, бодом қовоқ, сўзи асал, гапи масал жовдираган тим қора кўзлари ёр тилаб турган жонон менинг харидорим бўлибдур. Энди сизнинг ихтиёрингиздан, чизган чизингиздан, айтган сўзингиздан чиқмайман. Келинг, қўнғил муҳри бўса демишлар. (Саломатни қаттиқ бағрига босиб лабидан ўнади. Ҳалима ижрганиб тескари қарайди).

МАЛИКА — Бўлди, жа... Энди тўй кечасини бошлай-

миз. Келин-куёвини жой-жойига ўтқазинлар! Ҳамманг ўтирларинг!

ҲАМИА ўтиради. Малика ўртага чиқиб, «тўй кечаси»ни очади.

МАЛИКА — Жононлар! Бугунги бўлаётган тўйимиз антиқа: олтин, қумуш, бриллиант тўй эмас. Бу тўйнинг номи ҳали йўқ. Нима десам экан? «Гап»-тўй деса ҳам бўлади. Мўъжиза бўй берди. Гапдан гап чиқди. Ҳамандан пул чиқди. Тўй бўлди, қолди. Шўннинг учун айтишган экан-да, пули борнинг қўли ўйнайди, пули йўқнинг қўзи ўйнайди деб. Биринчи қадаҳини икки ўрта ёшнинг антиқа тўйи учун ичамиз.

Музыка янграйди. Ҳалима ўйинга тушиб кетади. Келин-куёв ҳам ўйинга тушибди. Сўнгра бир четга ажраллиб чиқиб суҳбатлашиб ўтиришади.

ТОЛИБ — (ўзича) Қани, энди бу ҳазил ёки туш бўлмай, ростанам бўлса, Бағримдаги хури-ғилмон ёмонмас. Ҳалимадан ўн баравар зўр-а! Хотиним бунинг олдида интоқ-ку! Ишқилиб охири баҳайр бўлсин. Бу ҳазилни, ўйинми, сеҳру жодуни тушунмай қолдим. Тавба (Саломатга секин) Саломатхон, бу ҳазилнинг тағи зилга ўхшапти.

САЛОМАТ — Ғам еманг. Икки шайдо қўнғилнинг учрашувидан ҳеч қачон зил чиқмаган. Паҳлавондай ўғил ёки гулдай қиз чиққан.

ТОЛИБ — Ия, Саломатхон, ҳамма тарқаб кетибди-ю, Ҳалима қайда экан?

САЛОМАТ — Биз шунга келишганмиз, ҳамма кетган, шулар билан бирга Ҳалимангиз ҳам кетган. Энди дам оламиз.

ТОЛИБ — Мен уйга бора-

манам. САЛОМАТ — Ҳамма эшиклар қулф. Агар сиз чумчуқ бўлиб дарчадан учиб чиқиб кетсангиз ана, дарча очиб, лекин сиз чумчуқ эмассиз, мен эса озимни очиб ўтирадиган қизалоқ эмасман. Энди кириб дам оламиз. Шоир татибири билан айтганда, шабистонга, яъни спальнойга киришга. Бугун қулбани аҳзонининг шайи шабистон бўласиз. Бугун ва ҳар кун меъ сизнинг қўларингизга термулиб, юзларингизни силаб, «Минг бир кеча» эрталабидан айтиб чиқаман. Сиз шох, мен Шахризода бўламиз.

ТОЛИБ — (ўзича). Эртас-мўъжиза... (Саломатга). Майли, Шахризодам, дам олсак олибмиз-да, қани, шабистонга қай эшикдан кирилади? Бошланг!

Ҳайдар МУҲАММАД.

ШЕЪРИЯТ
БИР КАФТ ТУПРОҚ

Бир кафт тупроқ олдим қўлимга,
Харорати қуёшдек экан.
Шу чўғ ёнар менинг қўнғилимда,
Шу тупроқдир мен учун Ватан.
Шу кафт тупроқ шарафни учун
Отам жангда фидо қилди жон.
Шу кафт тупроқ севгисин учун
Онажоним қалбиди армон.
Мен ҳам унинг бағрида ўсдим,
Менга берди шу тупроқ туз-нон.
Оналгини қалбим-ла сездим,
Унинг бағри мен учун жаҳон.
Шу кафт тупроқ қўзим зиёси,
Шу кафт тупроқ илҳом-ижодим.
Шу кафт тупроқ умрим маъносини,
Шу кафт тупроқ — менинг ҳаёти.
Шундан менинг қалбимда оташ,
Дилбандингман, эй она — тупроқ.
Сенинг номинг жонимга туташ,
Фарзандингман, эсда тут ҳар чоқ.

Эъзоз этмоқ она-тупроқни, —
Бобо мерос бу қутлуг уду.
Ким хор қилса жондош ўчоқни
Бўлур экан лаънатга маҳкум!
Ўғил бўлиб ўсдим бағрингда,
Менга шараф боболар шон.
Сенга фидо керак бўлганда
Шул ўғлингнинг бир азиз жоня...
Нусрат КАРИМ.



ШАХРИМИЗ
МЕХМОНИ

Шу кунларда Тошкентда та-
лентли расмол Михаил Вербо-
в ва унинг кўпгина ишлари
машҳур кишилар портретлари
ишлаган расмнинг асарлари
дунёнинг энг яхши музейлари-
да намойиш этилади. Суратга:
М. Вербова билан сўзлашди.
Р. ШАГАЕВ сурати.

(ЎЗАТ).

• ИНСОН ВА ҚОНУН •

• ИНСОН ВА ҚОНУН •

Ука аксини ўлдиршига «буюр-ма» берди.

Одам ёллади, пул сарфлади. Бор эканда йўқ экан эмас, аини ҳақиқат.

Утмиш эмас, бугунги кун ҳақиқати, бугунги кун фожиаси.

Бугунги кун фожиаси! Улар ёш болалар ҳам, ўсмирлар ҳам эмас, оилали, бола-чақали қап-катта одамлар.

Бу воқеа ақл-ҳидрокдан, тараққиёт-маданиятдан олинсдеги киши ойғи етиб-етмайдиган жримёвойи тоғ-қишлоқда эмас, аини пойтахт областда, одамхуналиги билан бутун дунёга танилган Тошкент деган шаҳарнинг ёнбошидаги Ниязбоши қишлоғида руй берди.

Икки қарич ер талашиб ука акаларини ўлдиршига жазм этганини нима билан тушутириш мумкин! Еху...

...Ун тўққиз ёшли йигит сўққабаш кампирнинг кўрпачаси остидаги чўчақасига эгалик қилиш учун унинг миёсига болта билан уриб ўлдирганини-чи?

Ахир, одамлар даҳшатли очарчилик йилларида ҳам бундай қобозат-қа қўл урмаганлар-ку. Кампир зарбдан муқкасига ер тиллашди оғзидаги қоплама тишлари отилиб кетди. Инда тўрт донга тилла тиши бор эди. Йигитча қопламани чўнтағига солди. Сўнг, хотиржам ундан тилла тишларини сугуриб олиб, газ плитасида эритиб «олтин» қўймакни ажратди. Бу ҳали ҳовла.

Ҳечкимни йўқ мурда уйда бир неча кун ётди. Йигит уни ўлдирган кунни ўтда-бетда эллик-олтмиш сўмдан ашириб қўйилган беш-олти юз сўм пулини йиғиштириб олган эди. Индинга ўлик ётган уйга яна бамайли-хотир кириб, майда чайқовчилик билан шугулланган кампирдан қолган қалиш, болалар иштонин қабиларини йиғиштириб чиқди. Яна икки кун ўтган ўлик ҳамон чўзилди ётган уйдан гўшт консерваси, қулоқтирилган сут ва бошқа буюмларни «ҳазончен» қилди.

Е табба, ё алҳазар! Ун тўққиз ёшда бу қаҳар совуқ-қонлик, ўликдан эти жуноқимаслик, мурданинг емишларидан ҳазор қилмаслик қачон, қандай қилиб пайдо бўлди бу йигитда?

Тошкент шаҳрининг қоқ марказида, эски шаҳар маззасида туғилиб воғга ётган йигит...

Афсус, минг афсус, «беш кунлик дунё» дейилмиш оддий ва буюқ ҳақиқатни унутиб қўйилмиш. Мана шу ҳақиқат унутилган жойда хунхўрлик, қотиллик рўй бермоқда. Аёллар тул, болалар етим қолмоқда. Эй инсон, эрта-индин борадиган жойинг икки қарич ер-ку, бу талашиб-тортишиб эришгану йиққалларинг қолиб кетади-ку. Унга эришман деб асабу юрагининг бой берасан ва оқибат табиат инъом этган умринг муддати-дан илгари хазон бўлади. Нега буларни ўйламаймиз? Ахир бир парча ер учун жигарларинг ўлдирши шартми. Уларни ўлдириб, улар қаҳрида ётган Ернинг устида уларни тепкилаб яйраб яшаёласанми! Наҳотки яшай олсан. Жуфтга, болаларига ҳайвонда ҳам бўлган меҳр наҳот Инсон деган муҳтарам зотдан қочиб бормоқда!

Ушбу сатрларни ёзар эканман, кунни кеча босмаҳонада — иш устида ўлиб қолган ҳамкасбимиз, ундан бир кун аввал эса жиянининг тўғида қариндошлари билан гурунлашиб ўтириб кўрагини ушлаганча ҳаёт билан вилдлашган қирқ ёшли йигит кўз олдимиға келмоқда. Яна, беш-олти йил муқаддам ўзим гувоҳи бўлган бир ўлим: шаҳар марказидаги ҳаммомнинг йўлагидеги икки қатор терилган стуллар устида забердаст бир йигит қалқанча ётибди. Нозиккина ҳамшира унинг лабларига доқа қўйганча зўриқиб оғзига пуфлайди — нафас юборади. Атрофдаги йигитлардан илтимос қилади, йигитлар галла-гал беморнинг кўрагини босишмоқда. Яхудий кассир аёл кетма-кет телефон номерини тиради, кардиология бригадаси «тез ёрдам» йилим — бир соат ўтганда ҳам келавермади. Кассир аёл охири хушдан кетди, унинг ўғли ҳам яқинда шундай вафот этган экан. Ниҳоят «кардиология» бригадаси келди, врач киши катта шприцнинг роса бир қаричлик нинисини тўғри юракка ботириб аввал шприцга қон чиқарди, сўнг укол қилди. Бейфойда. Ёши қирқда, аспирант экан у. Улди. Уни «тез ёрдам» шифокорлари эмас, милиционерлар олиб кетишди. Уша укол ярим-бир соат олдин бўлганда балки йигит омон қоларди. У кетди бу дунёдан. Ҳозир минг биринчи

марта медицинани танқид қилмоқчи эмасман, бу бошқа мавзу, ҳозир инсон умрининг нақадар қисқа ва омонатлигини айтмоқчиман, холос: уйдан ҳаммомга деб чиқиб кетган норуғул йигит икки-уч соатдан сўнг мурдага айланиб турса. Нега одамлар бир-бирига жоҳиллик қилаётди буларни ўйламас, ўйлаблмас экан-а!.

Умарали Убайдуллаев отасининг уй-жойини акаларидан қизганиб-талашиб, уларни ўлдиршини бўлажак «қотил» билан савдолашаётганида булар ҳақида заррача ўйладимикин?

Тошкент област судининг аъзоси, тажрибали юрист Йўлдош Насимов билан шулар ҳақида суҳбатлашдик, фикрлашдик. Юқорида эслатилган икки жиноий иш бўйича суд мажлиси Я. Насимов раислик қилган.

— Йўлдош ака, газетхонларга биринчи воқеани батафсилроқ ҳикоя қилиб берсангиз.

— Улар уч ака-ука. Кичиги Умарали ўттиз ёшда эди. Оилали, уч фарзанди бор. Акаси Исоғали онаси билан алоҳида яшайди. 1988 йилда онаси вафот этганида, армия хизматидан сўнг узоқ йиллар Россияда оила қуриб ишлаб қолган акаси

затиш меҳнат колонияларида ўтайди. 2900 сўм пул давлат фойдасига мусодара қилинди.

— Йўлдош ака, биратўла иккинчи воқеани ҳам баён қилсан-да, сўнг суҳбатни давом эттирсан.

— Яхши. Иккинчиси юқорида қисман айтганимиздек, бундан ҳам аяқлироқ, 1969 йилда туғилган Азиз Ҳасимов Калинин районидаги Эркин қишлоғида қотиллик содир этди. Азизни унинг турмуш тарзи уша ерга «етақлаб» борган эди. Серфарзанд оиладаги бу йигит уйдаги ота-онаси ўртасидаги жанжалли муҳитдан қочиб, уйдан кетиб қолган ва Эркин қишлоғидаги ҳоласининг уйида яшаётган экан. Азиз у пайтда бир кафеда шоғирд бўлиб ишлаётган эди. Шу ерда бир йигитдан насияга 60 сўмлик туфли олган, касалхонада ётган онасини кўриб келиш учун чойхонадан 100 сўм қара олган. Уларни тўлаш керак. Пули эса йўқ. Шундай кунларнинг бирида ҳоласининг қўшини бўлиш кампир Мунира Ҳасановани ўлдирши фикри миёсига келади. Мунира онанинг ҳеч кимни йўқ, бир уйда бир ўзи яшаган майда чайқовчилик билан шугуллан-

— Фақат шунга боғлаш тўғри эмас, бунинг асосий сабабларини юқорида гаплашдик. Аини пайтда, сизнинг фикрингизни ҳам бутунлай йўққа чиқариб бўлмайди. Фақат, бу саволга юрист ёки журналист эмас, социолог, биолог, тиббиёт олимлари жавоб бергани маъқул.

— Илгари, қаттиқчилик-огирчилик йилларида одамларда ўзаро меҳр-оқибат қучли бўлган дейишди. Қизик, наҳотки ҳозирги тўққиллик меҳр-оқибатни янада ошириш ўрнига, аксинча, йўқотса!

— Бу катта социологик тадқиқотнинг мавзуси. Чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин.

— Мана ҳозир жиноят қонуночилиги асослари лойиҳа муҳокама қилинляпти. Унда, гуманизация шiori остида кўп жиноят турларига жазони енгиллаштиш кўзда тутилган. Масалан, ёши олтишдан ошган шахсин олий жазога маҳкум этмаслик, воғга етмаган болаларга илози борича қамоқ жазосини қўлласлик ва бошқалар. Марказий нашларда фикр билдирётган юрист-олимлар ўртасида ҳам бу енгиллашларга кескин тарафдор ва кескин қаршилар бор. Шахсан мен оддий совет граждани сифатида жиноятчиға нисбатан бундай инсонпарварликка қаршман, огир, бешафқат жиноятларнинг кўпайиб бораётганиға амалдаги қонуимизнинг ўта юмшоқлиги ва жазонинг хали кўзидан хуфийёналиги деб биламан. Яқинда марказий газета хабар қилди: Эронда гиёҳвандлик ва фоҳишабозлик билан шугулланганларни омма олдига қатл этиш жазоси жорий қилинди. Жиноятчиликка қарши курашда қорхоналар ишчиларини, вақтинча кураш комитетларини овора қилмасдан, эронча йўл тутган маъқул ва самарали эмасми! Биз эса жазони янада енгиллашти ва қамоқхоналардаги шароитни яхшилаш «муаммоларини» илгари сурш билан оворамиз. Бу меннинг шахсий фикрини — мен ана шу муаммоларни кўтариб чиқаётганлар орасида Совет давлатининг душманлари йўқимкин деб ўйлаб қоламан гоҳо.

— Саволга жавобини ҳам ўзингиз бериб қўяолдингиз. Тўла қўшлман. Оғир жиноят турларига қарши курашда «эронча усул» меннинг ҳам орзум. Лекин бу — ушаламгайдан орзу. Бўладиган гапни гапирсак, турмалардаги шароитни эмас, тартиб-интизомни мустаҳкамлаш керак. Ана шунда ҳозирги шароитнинг ўзида ҳам қўзаланган максатга эришиш мумкин. Ҳозир-чи! Тартиб-интизом нихоятда бўшлиғи туйфали «ишонин» кўзини биладиганлар» турмада деярли дам олиш уйдагидек яшашти: турманнинг ичиде киши кило гуручли ошонинг ҳаракати 50 сўм, арақ йигирма беш, бошқа қанча олда-бердилар. Бу буюм ва махсулотларни бироз вертолётдан ташлаётгани йўқ, эшикдан қиряпти. Бир одамнинг бирнеча марта такрор жиноят содир этавирши мана шунинг — турмадан қўрқмаслигининг оқибати.

— Йўлдош ака, Умарали ва умаралилар ҳақида камкор гаплашдик, шекилли. Бу воқеани эшитганимдан бери кўпчиликке маълум бир ривоят миямда айланаверди. Утмишда бир одамнинг беш ўғли бўлган экан. Очарчиликни енгитиш учун томоққанинг бирига бугдой сепишди. Ҳосил йирилгач, ота бугдойни беш ўғилга тенг тақсимлаб берибди. Тунда иккинч ўғил ўрнидан турибди, акасининг болалари кўп, деа ўзининг бугдойидан бир қисмини акасининг уюмиға қўшиб қўйди. Сўнг акаси ўрнидан турибди-да, укамнинг рўзғори ота-онам билан, унга кўпроқ бўлсин деб укасиға билдирмай ўз бугдойидан унинг уюмиға қўшибди. Бошқа ака-укалар ҳам шунга ўхшаш сабаблар туйфали бир-бирининг бугдойини қўпайтириш билан тоғи оттирган экан.

— Мен бунинг ривоят эканидан кўра кўпроқ бўлган воқеалигига ишонаман. У пайтда одамлар ўртасида меҳр-оқибат, ор-номус, уят, виждон, эътиқод бўлганлигини яна такрорлашга тўғри келяпти.

— Начора, бир вақтлар бисёр бўлган ана шу каби фазилатларнинг кўмасб, улар яна одамлар ўртасида кенгроқ тарқалишиға умид боғлаб суҳбатни якунлашимиз!

— Маъқул.

— Раҳмат, сизга.

Ҳабибулла ОЛИМЖОНОВ.



ЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ ҚУПАЙИБ БОРАЁТГАНЛИГИ ХУСУСИДА

Қўқор ҳам кўчиб келиб, алоҳида уй-жой олиб яшай бошлади. Фақат Умарали отаси билан бирга ота ҳовлида яшайди. Кейинги пайтда Исоғали онаси билан аралашиб, бирқанча муддат отасининг уйида яшаган. Ота учун фарзанд неча ёшда бўлса ҳам, унинг хотини-ю, неча боласи бўлса ҳам, барибир фарзанд-да. Отанинг Исоғалиға кўпроқ рўйхуш бергани Умаралининг гашига теккан, бўлар-бўлмаста жанжал чиқарган. Ота: бу уйда Исоғали яшайди, деганидан сўнг Умаралининг баттар газаби ортан, акасини уриб ўн беш суткаға қамалди. Шунда отаси ва акалари унинг оиласини қайно-тасининг уйига кўчириб олиб бориб қўйишди. Умарали олти ой у ерда яшаб, суд қарори билан ўз уйига — отасиникиға кўчиб кирди.

Ана шундай аламзада кунларнинг бирида, 1988 йилнинг декабрь ойида у таниш йигит — Ғани Эдемович Мустафоевни учратиб, бир одамни ўлдирса бўладими, деб сўрайди. Агар пул бўлса ўлдирса бўлади, дея жавоб беради суҳбатдош. 1989 йил 5 февраль кунини у Мустафоевнинг уйига борди: — акам Қўқорни ўлдирасан. «ГАЗ—24»ни ёқиб ташлашсан! — Бўпти, неча сўм берасан? — Икки минг сўм. — Йўқ, кам, уч минг берасан!

Келишилди. Умарали «закалатга» деб 500 сўм берди, қолганини ўлдирганидан сўнг олсан, деди.

13 февраль кунини эрталаб соат ўнларда Мустафоев Янгйўл қасалхонаси олдига Умаралини учратиб, унга халта ичиде акасининг қонга беланган кўйлагини кўрсатди: мана, акакинг Самарқанд йўлида ўлдириб, машинасини суғга ташлаб келдим. Умарали Мустафоевға икки минг, сўнг яна 400 сўм берди. — Яна бир иш бор, деди у Мустафоевға шивирлаб. — Ҳўш! — Акам Исоғалини ўлдирсанг беш минг бераман...

Мустафоев аслида Қўқорни ўлдирмаган, кўйлагини унинг ўзидан сўраб олиб, воқеани унга ва милицияға айтиб, қўйлагини итнинг қониға белаб келган эди...

Суд жараёнида булар ҳаммаси кўргазмалар ва ашёвий далиллар билан исботланди. Умарали Убайдуллаев саккиз йил қамоқ жазосига маҳкум этилди. Жазо муддатини кучайтирилган режимдаги ахлоқ ту-

ган. Азиз 1989 йил 22 март кунини кундаш соат ўн бирларда Мунира онанинг уйига бориб иккита сигаретаға пул узатган. Кампир сигарет учун ичкариға кириб кетаётганида ортдан кириб спорт костюми қўйниға ашириб олган болта билан миёсига урган. У 15 йилга озодликдан маҳрум этилди.

— Сиз суд мажлисларида бунга ўхшаш бошқа қатор ишларни ҳам кўргансиз. Судья фақат жиноят кодексидеги моддаларни воқеага мосини таллаб жазо белгилаб юбора-вередиган машина эмас, авваломбор у Инсон. Инсон сифатида судланувчи ва жабрланувчиларға раҳм қилади, нафратланади, мушоҳада юртади. Сизнингча, Азизнинг шундай йўлга киришиға моддий эҳтиёж фожиасинга сабабми!

— Йўқ. Агар сабаб фақат шу бўлса, биздаги ҳозирги моддий ҳаёт даражасида ҳар қадамда одамлар бир-бирини ўлдиршиға тўғри келган бўлур эди. Кейинги пайтда бундай шарафсиз-бераҳмликнинг қарор топиб бораётганиға, аввало, идеологиямизнинг ожизлиги сабаб деб биламан. Илгари, яқин ўтмишда ҳам жанжаллашлар, ур-сурлар бўларди-ю, бунақа ўлдиршлар деярли рўй бермасди. Сабаби — тарбия йўлимизда эътиқод бор эди, болалар ҳам, кўпчилик катталар ҳам ана шу эътиқодға бўйсунардилар. Энди, йўр бериб курашиб эътиқодларни йўқ қилдик. Бироқ, унинг ўрниға нима бердик! Деярли ҳеч нима! Бунинг бугунги кунда қайта қуриш ва ошқоралик даврида ҳамма қуриб-билиб, тушуниб турибди. Оқибатда, ишонч ва ўзаро оқибат йўқолди. Эътиқод — имон, ишонч, виждон деган тушунарларини ўз ичига олади. Ҳўш, ҳозир кимға, нимаға эътиқод қилиш керак?

— Сизнинг фикрингиз қандай — одамларнинг руҳиятига атроф-муҳитда керагидан ортиқ даражада вуқудға келган захар таъсир этмаётми! Бошқача айтганда, генлар [насл] бўлишиш оқибати эмасмикин бундай ваҳшийликлар!

РЕДАКЦИЯДАН: Бундай оғир жиноятлар келиб чиқшининг, одамлардаги бераҳмлик ҳамда ваҳшийлик туғилшининг илдириш қарда ва унга қарши қандай курашмоқ керак? Барча газетхонлардан, хусусан юристлар, ҳуқуқшунос олимлардан ана шу саволга жавоб топиш, қўтарилган муаммо хусусида фикр-мулоҳаза билдириш, уму ма мунозараға таклиф этамиз.

Сўқоқ қишлоғидан чиқиб, вода ичкарасидаги айловларда, яшил дараларда қўй-қўзиларни ўтлатиб юрган чўпонлар ҳузурига жуда ҳориб етиб келдик. Узи ҳам от-эшакда роппа-росса олти соат юрибмиз. Тоққа чиқиш машаққати қанчалик оғирлигини шунда ҳис қилдим. Бироқ унинг табиаати ниҳоятда гўзаб, тароватли эди. Тоғ ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олган саринг бутун вужудинг яйраб кетади. Ам-яшил айловлар, тоғ бағирлаб чўққилар томон ўрлаб кетган пойсиз арчазорларга боқиб толиқмайсан, кўзин яшнатади, уни янада ўткирлаштиргандек туюлади. Кўз ўнгингда ястаниб ётган табииат манзарасини маромига етказиб тасвирлашга тил ожизлик қилади, десак муболаға қилмаган бўламиз.

Чўпонлар ҳузурига етиб келганимизда кун яримлаб қолганди. Қўёш зардин нурларини ёйиб, теварак-атрофини қиздира бошлаган эди. Мезбонлар бизни чодир ичига таклиф қилишди. Чунки беован айловода бошқа салқинроқ жой йўқ эди. Шундай вақтда унинг ичи салқин бўлишини шу ерда сездим... Орадан кўп ўтмай бутун борлиққа тун ўз кўрпасини ёзди. Чўпонлар қўй-қўзиларни чодир атрофига тўллашди. Шундан сўнг бироз ором олгани чодирга киришди.

Бир маромда эсватган ёқимли майин шабада чодирнинг очик томонидан кириб юзларини силаб, аллаларди. Ҳаммаёқ жимжит. Уни узоқда сайраётган каккунинг овози-ю, қўй-эчкиларнинг маъраши бузади. Айниқса ёш такаларнинг тиними йўқ. Улар «машуқчалари» олдида ўзларини «кўрсатиш» учун тез-тез «жанг» ҳам қилиб турадилар. Чодирдан бор-йўғи 10-15 метрлар қачаси нарида бўлаётган, тўқин ой аруғида яққол кўриниб турган бу томошаларга беихтиёр тикилиб турарканман бир неча йиллардан бери чўпонлик қи-

лаётган Жумабой ака гап бошлаб қолди:

— Дунёни ишлари ҳам қизиқ экан. Шу тоғнинг орқасидаги қўриқхонага икки йилча аввал бир жұфт бўрини олиб келиб, қўйиб юборишганди. Улар кўпайиб, энди подага ҳуруж қилаётган бўлиб қолди. Леанатилар жуда устаси фаранг-да. Кеча кечаси то итларимиз сезиб қолиб вовуллағунинга қадар икки қўйни ериб

тир келарди, қўлларим қалтираб, тилим қалимага келмай қолди. Милтиқ шундоққина чодирга кираверишда илганда осилгиқ турипти. Лекин уни олиш у ёқда турсин ҳатто қимирлашга мажбур йўқ эди. Хайрият чодирга ўн метрларча қолганда айиқ тўхтади ва унга орқа ўгириб, бепарвогина ўтириб олди. Шу пайт бир улоқнинг жон ҳолатда маърагани эшитилди-ю, дарров жим

ди. Айиқнинг қораси ўчганидан кейин ҳам анча вақтгача қимирламай ётавердим. Тоғ отабослаганидагина милтиқни маҳкам ушлаганча чодирдан чиқдим. Битта-битта юриб кечаси айиқ ўтирган жойга яқинлашдим, ҳайратдан ёқа ушлаб тўхтаб қолдим. Ерда бир улоқча қорни то бўзгаича худди ўткир пичоқ билан қовурғалари аралаш кесилгандек чавақлашиб ётарди.

дим, шу вақт бутун борлигим қулоққа айланган эди. Ҳа, чўпонлик осон эмаслигини билар-эдим, бироқ унинг хатари эканлигини бунчалик деб ўйламасдим. Уларга осон эмас экан. Шунинг учун улар ҳақида ҳар қанча ғамхўрлик қилинса ҳам қамлик қилар экан.

Узингиз ўйлаб кўринг-а. Уша айиқ Жумабой аканинг ўзига ташлашиб қолса нима бўларди! Унинг олдида ночор эди. Хайриятки шундай бўлмапти. Бўлмади деб ким қафолат беради. Чўпонлар зарур ҳимоя қилиш воситаси — росмана милтиқ билан таъминлангани керак. Таёқ, чўқмоқ, майда ўқили милтиқ билан ҳар қандай хавфнинг олдини олиш мумкин эмас-ку!?

Яна бир фикрни ўртага ташламоқчиман. Нега энди бўринларга қарши чора кўриш мумкин эмас. Бу ўтакетган ваҳшийлар қиллиқни қилиб, чорвага киргин келтирса, қўй-эчкилар, от-улоқлар, қорамолларни еб кетаверса-да жазосини олмас. Бўрилар кўпайиб кетган бўлса ҳам уларни отиш мумкин бўлмас. Бу ерда манитиқ қани. Унинг даҳлсизлиги қимматга тушмасмикин!?

Бундай муаммолар ҳақида ўйлаб кўриш керак. Шулар ҳақида мушоҳада қилар эканман, орадан қанча вақт ўтди билмадим. Бирдан нариги тепадаги қўшини чўпонлар итларининг жон-жаҳди билан вовуллашлари ҳаммаёқни тутиб кетди. Уларга бизнинг итлар ҳам қўшилди. Пода безовта бўла бошлади. Жумабой ака, унинг кетидан шериги чодирдан отилиб чиқишди, биз ҳам чиқдик. Жумабой ака билан шериги бир нарсалар деб нима бақиршар унинг маъносини «тушуңган» қўй-эчкилар дарров тинчиб қолишган эди.

«Кейин билсан кечаги бўрилар қўшини чўпонлар манзилгоҳига «ташир» буюришган экан...

Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ.

ЖУМАБОЙ АКА ҲИКОЯСИ

• Бўлган воқеа •

кетилди. Яна бу қўриқхона ходимларининг «илтимос», бўриларимизни отманглар, осмонга ўқ чиқарсаларинг ўзлари қочиб кетади» деганлари қизиқ.

Бу ҳам майли-я, бироз сукутдан сўнг сўзини давом эттирдир Жумабой ака. Утган йилдаги бир воқеани эсласам ҳамон ўзимни ноҳуш сезаман. Аксига денг ўша кун шеригим қишлоққа тушиб кетган, мен ёлғиз эдим. У вақтда ит-миз ҳам битта ва ёш эди. Бир вақт поданинг безовталанигидан қўйиб уйғондим. Қарасам бир баҳайбат айиқ подадан чиқиб тўғри чодир томон кела бошлади. Кўзларимгс ишонмасдим. Чунки бу байритабий ҳол эди. Шунча вақт чўпонлик қилиб бундай воқеани кўрмаган эдим. Айиқ бўлганда ҳам анча йирик эди. Ўзимни бироз йўқотиб қўйдим. Махлук ҳамон мен томон бамайлихо-

бўлди-қолди.

Бир томони улоқча жоним айтиганидими, иккинчи томони айиқни мен билан иши йўқлигини ҳар ҳолда менга бироз жон киргандек бўлди. Овоз чиқармай милтиқни олдим, кўрпага ўралиб олганча осмонга қарата ўқ уза бошладим. Ишонасми? Ингирматга ўқ бор эди, шундан 17 тасини кетма-кет чиқариб юбордим. Бироқ айиқнинг ларвоини паллак эди, писанд қилмасди. Юрагимга яна гулгула тушди-ю, кўрпага маҳкамроқ ўралиб олдим. Фақат милтиқнинг стволгина кўрпадан чиқиб турар, айиқдан кўз узмасдим.

Орадан қанча вақт ўтганини ҳам билмадим. Дақиқалар ниҳоятда узоқ чўзиларди мен учун. Бир маҳал айиқ ўрнидан турди-да, бир силқинди-ю сой томонга тушиб кет-

тушга яқин шеригим қишлоқдан қайтди. Унга подани топиридим, қандайдир қизиқ билан кечаси айиқ кетган ёлғиз сўқмоқдан сой томонга бора бошладим. Тўрт юз меғрача юрган ҳам эдимки, узоқдан йўл устида катта-катта тошлар пайдо бўлиб қолганини кўрдим. Бориб қарасам иккита кўзи ҳар бирини мана мана деган полвон ҳам кўтара олмайдиған учта тош остига бос-тириб қўйилган экан. Бу ҳам ўша кечасидаги маймоқнинг иши эди. Афтидан «шундай жойдан қуруқ кетаманми!» деб қайтишда иккита кўзини қўлтқиллаб кетган экан. Лекин у бунга қачон улгурган экан ҳали ҳам ақлим бовар қилмайди...

Вақт алламаҳал бўлиб қолган бўлса ҳам кўзга уйқу келмайди. Чўпон Жумабой аканинг ҳикояларини берилиб тинглар-

ҚУРУВЧИЛАРМИ, БУЗУВЧИЛАРМИ?..

ОБЛАСТЬ халқ контроли комитетига Тошкентдаги Юнусобод массивининг еттинчи кварталда истиқомат қилувчи бир гуруҳ аҳоли номидан шикоят тушди. Унда массивда бунёдкорлик ишлари олиб бораётган қўрилиш ташкилотларининг ҳужасизларча иш тутайётганлигидан шикоят қилинганди.

«— Қурувчилар техника хавфсизлигига амал қилишмайпти, — дейилганди хатда.

— Объектлар атрофи девор билан ўраб олинмаган. Қўрилиш майдони қаеру, бу ерда истиқомат қилувчи аҳоли юриши керак бўлган йўл қарералигини билиб бўлмайди.

Асфальтланган йўл ва йўлқаларимизни бузиб юборишди. Телефонларимиз ҳам ишламайпти. Электр тармоқлари ҳам шикастланди. Шу икки уй қурилиши деб кўчаларимиз кечаси зимиқстон ва вайронга айланди. Булар ўзи қурувчилар, бузувчи-

ларини, биз тушуна олмай қолдик. Шу масала яниқлашда ёрдам берсангизлар».

Республикамизда кўп қаватли турар-жой бинолари бунёд этила бошланганига неча ун йиллар бўлди. Шу вақт ичида бу соҳада пухта ўйланган технология юзага келирилди. Лекин баъзи масбул шахслар план кетидан қўйиб, унга риоя қилишмайпти. Юнусободлиқлар шикашти олиб борадиган ҳам шунинг гувоҳи бўлдик. Массивдаги 42 ва 32 квартиралар икки турар-жой биноси қурилишига Тошкент шаҳар ижроия комитетининг 1987 йил 7 августдаги қарори билан ер участкаси ажратилган.

Биноларнинг лойиҳа-смета ҳужжатлари «Ташгипрогор» институтда тайёрланган. Лекин лойиҳадашаришда ер ости инженерлик коммуникацияларининг мавжуд тармоқлари қидириб топилмаган. Уларнинг мазкур турар-жой бинолари шаҳобчалари билан амалдаги уланниш нуқталари мувофиқлаштирилмаган. Лойиҳага кўра мавжуд телефон, электр қуввати, сув, канализация ва газ тармоқлари, иссиқлик трассасини кўчириш учун яшил бутта ва дарактлар экиб

ОБЛАСТЬ ХАЛҚ КОНТРОЛИ КОМИТЕТИДА

кўкаламзорлаштирилган 5000 квадрат метр ер бузилиши керак бўлган. Бунёдкорлик ишлари ана шундай бахдохликдан сўнг жорий йилнинг иккинчи ярмидан бошланган эди. Лекин ер ишлари апрелдаёқ бошлаб юборилган.

Албатта, қурилишнинг муддатидан илгари бошлангани учун бунёдкорларни фақат қўтлаш керак эди. Ахир бир йўла етмишдан ортиқ оиланинг барвақт янги квартираларга кўчиб юриши қувончли эмасми? Аммо одамлар ҳақида ўйлаш область агросаноат комитети 1-қурилиш трести бошқарувчиси Н. Н. Машуров, 4-қоҳозлараро кўча механизациялашган колонна бошлиғи Р. Т. Мўминов ва Область агросаноат комитетининг 424-қоҳозлараро ихтисослашган кўча механизациялашган колонна бошлиғи В. Э. Лангенштейнларнинг ҳаёларига ҳам келмаган экан. Бу ҳақда буюртмачи ташкилот «Узгарпромтехмонтаж» трести (бошқарувчиси Ф. З. Шерман, капитал қурилиш бўлими бошлиғи Я. И. Белкин) раҳбарлари ҳам бош қотиришмаган. Қурувчилар эса фақат объектларни муддатидан илгари фойдаланишга тошириб олинадиган қўшимча маблағлар ҳақида ўйлашган бўлса ажаб эмас. Натияжада қурилишни олиб бориш тартиб-қоидалари қўпол равишда бузилган.

Лойиҳа-смета ҳужжатларининг атрофдаги уйлارга ўтказилган телефон, туғти ёритиш, сув ва газ тармоқларини кўчириш ҳақидаги талаби бажарилмаган. В. Лангенштейннинг масъулиятсизлиги туфайли қотланган қазиланган вақтда мавжуд инженерлик коммуникациялари, асфальтланган йўл ва йўлқалар шикастланган.

7-квартал аҳолиснинг зараркундалликка нисбатан муросасиз бўлганлари туфайли фойда кетидан қўйиб инсофни унутган масбул шахслар тегишли жазодаларни олдилар. Текширув вақтида ишдан чиқарилган инженерлик коммуникациялари тикланди. Қурилишнинг технология асосида олиб борилиши таъминланди.

А. ТУРҒУНОВ,
область халқ контроли
комитети инспектори.



● БЕКОВОД районидаги Держинский номи колхозда меҳнатни ташкил этишнинг илғор усуллари кенг оммалашиб борапти. Айниқса оила пудрати кўпчилиққа қўл келмоқда. Ана шу усулда меҳнат қилаётган Турсуновлар оиласи 1989 йилда бир гектар анорзор ҳамда шунча майдондаги тоқзорда ишлашди. Ҳар гектар ердан 7 тонна узум, 4,5 тонна анор топириш юзасидан

шартнома тузишди. Кунинча бу оила давлатга узум сотиш планини ортиғи билан бажарди. Айни пайтда анор ҳосилини узиш қизғин бормоқда. Пудратчилар ҳар кун шаҳарликлар дастурхонига 200 килограмдан ортиқ анор жўнатишмоқда. Суратларда: (ўнгдан) пудратчи ояла аъзолари Мушарраф ва Ҳикоят Турсуновлар анорзорда.

Суратчи М. ҚОРАБЕКОВ.

• ҲАФТАЛИК ПРОГРАММА •

Душанба

2 ОКТЯБРЬ

✦ УЗТВ

11.30 Физика. 12.00 Телефильмлар. 13.00 Биринчи комсомол қиз. Бадий фильм. 17.00 Кинопрограмма. 18.00 Янгилар. 18.15 Болалар учун фильм. 18.45 Батутда сакраш бўйича Ўзбекистон чемпионати. 19.15 Ёшлик. 20.00 Ахборот. 20.15 Ҳамза номидида Ўзбекистон ССР Давлат мукофотига номзодлар. Ёзувчи Н. Фозилов. 21.00 Концерт. 21.30 «Время». 22.05 Ахборот. 22.25 Афоня. Бадий фильм.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.35 Телефильм. 20.05 Солдат ҳақида қисса. Бадий фильм. ФРУНЗЕ кўрсатади. 21.30 «Время». 22.05 Токтогул Сатилганов туғилган куннинг 125 йиллиги.

✦ МТ I

7.00 «120 минута». 9.05 Футбол шарҳи. 9.35 Дўзахда яшашба кўчи. Бадий фильм. 11.10 Фильм-концерт. 11.55 Ёил фасллари. 16.05 Шаҳар куйи. 16.35 Ҳужжатли фильмлар. 17.20 Мультфильм. 17.30 Болалар соати. 18.30 Биз ва экономика. 19.15 Концерт. 19.30 Бокс. 21.30 «Время». 22.05 Босқинлар. 23.35 Футбол шарҳи. 00.05 Дунё воқеалари. 00.20 Россияни билиш ва севиш даври келди.

✦ МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.15, 12.20 Илмий-оммабоп фильм. 9.35, 10.35 Адабиёт. 10.05 Италия тили. 11.05 Сиз яратган бог. 11.35 24.00 Тарих. 12.05 Бу дунёни ҳаяжонлантirmoқда. 13.10 Шахсий масалалар бўйича бир неча интервью. Бадий фильм. 14.45 Ҳужжатли фильм. 18.25 Янгилар. 18.35 Волейбол. Европа чемпионати. 19.20 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. 19.45 Халқ оҳанглари. 20.00 СССР Олий Совети сессиясида. Танаффусда — Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар!

Сешанба

3 ОКТЯБРЬ

✦ УЗТВ

11.30 Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари. 12.00 Телефильм. 12.30 Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари. 13.00 Афоня. Бадий фильм. 17.00 Фильм-концерт. 18.00 Янгилар. 18.15 Мультфильмлар. 18.40 Иқтисодий билимлар мактаби. 19.15 Социалистик қўнунилик ва демократия. 19.45 Ёшлик студияси кўрсатади. 20.00 Ахборот. 20.20 Сихат-саломатлик. 20.55 Музикали программа. 21.30 «Время». 22.05 Ахборот. 22.25 Долзарб дамлар қадри. 22.45 Драматик актёрлар куйлайди.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.30 Болалар учун фильм. 20.30 «Тошкент» студияси кўрсатади. ФРУНЗЕ кўрсатади. 21.30 «Время». 22.05 Н. Бойтемиров. Омур бўлаги. Спектакль.

✦ МТ I

7.00 «120 минута». 9.05 Мультфильмлар. 9.35 Ҳужжатли

ли фильм. 10.25 Фильм-концерт. 10.55 Ҳужжатли фильм. 11.25 Концерт. 11.55 Микрофон олдига Юрий Левитан. 12.30 Болалар соати. 13.30 Бу бўлган... бўлганди... 16.05 Ҳужжатли фильм. 17.10 Ҳақиқат излаб. Ҳужжатли фильмлар. 17.40 Бор бўл, музика. 18.25 Тош девор ортда. Болалар колонияси бошлигининг оддий иш кунлари. 19.15 Дунё воқеалари. 19.30 Мультфильмлар. 19.40 Ҳужжатли фильм. 20.15 Халқ оҳанглари. 20.30 Ақтуал интервью. 20.50 Концерт. 21.30 «Время». 22.05 Оператив маълумотларга кўра. 22.15 Дарвиш. Бадий фильм. 23.55 Дунё воқеалари. 00.10 Фидойи шахслар.

✦ МТ II

9.05 Эрталабки гимнастика. 9.15, 12.15 Илмий-оммабоп фильм. 9.35, 10.45 Теварак-атроф билан танишиш. 9.55 Француз тили. 10.25 Илмий-оммабоп фильм. 11.05 Француз тили. 11.35 12.35 Музика. 12.05 Контакт. 13.05 Одамлар ва дельфинлар. Бадий фильм. 1-серия. 14.10 Ҳужжатли фильмлар. 14.30 Ритмик гимнастика. 18.05 Янгилар. 18.15 Одамлар ва дельфинлар. 1-фильм. 19.20 Хоккей. СССР чемпионати. «Динамо» (Москва) — «Спартак». 20.00 СССР Олий Совети сессиясида. Танаффусда — Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар!

Чоршанба

4 ОКТЯБРЬ

✦ УЗТВ

17.00 Кинопрограмма. 18.00 Янгилар. 18.15 Болалар учун фильм. 18.40 Камалак. 19.25 СССР ва ГДР иқтисодчилари XIV кенгашининг иши ҳақида. 20.00 Ахборот. 20.20 Қардош халқлар иттифоқи. 20.50 Рақслар гулдastasи. 21.30 «Время». 22.05 Ахборот. 22.25 Долзарб интервью. 22.40 Табассум қил. Фильм-концерт.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.35 Киши қиёфасини ўзгартиради. Бадий фильм. 1-серия. 21.05 Пульс информацион кўрсатуви. 21.15 Телефильм. ДУШАНБЕ кўрсатади. 21.30 Муваффақият тилаймиз, сизга пахтакорлар! 22.45 Ёшлигинг илк тонги. Бадий фильм.

✦ МТ I

7.00 «120 минута». 9.05 Лочин парвози. Бадий фильм. 1-серия. 10.15 Бор бўл, музика! 11.00 Дунё бўйлаб. Аляма. 12.00 Камалак. 12.30 Босқинлар. 16.05 Музикали хазина. 17.05 Ҳужжатли фильм. 17.25 Болалар соати. 18.25 Ҳужжатли фильм. 19.15 Дунё воқеалари. 19.30 Мультфильм. 19.50 Фестиваль белгилари. 20.20 Лочин парвози. Бадий фильм. 21.30 «Время». 22.05 Ақтуал интервью. 22.15 Концерт. 23.05 Дунё воқеалари. 23.20 Чоршанба кунлари бинафшалар ёки мастер портрети.

✦ МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.15, 12.15 Илмий-оммабоп фильм. 9.35, 10.35 Табиатшунослик. 10.05 Немис тили. 11.05 Немис тили. 11.35, 12.35 Биология. 12.05 Янгилар. 13.05 Одамлар ва дельфинлар. Бадий фильм. 2-фильм. 14.25 Ҳужжатли фильм. 15.00 Концерт. 15.25 Ҳужжатли фильм. 17.30 Янгилар. 17.40 Ўзбекистон ССР

Давлат телерадиоси. 18.10 Одамлар ва дельфинлар. Бадий фильм. 2-фильм. 19.30 Мультфильм. 19.50 Фильм-концерт. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 Бу гаройиб Бельканто. 21.30 «Время». 22.05 А. П. Чеховнинг экранлаштирилган асарлари. Ваня тоға. Бадий фильм. 23.45 Янгилар.

Пайшанба

5 ОКТЯБРЬ

✦ УЗТВ

11.30 Ўзбекистон ССР тарихи. 12.00 Телефильм. 12.30 Ўзбекистон ССР тарихи. 13.00 Солдат ҳақида қисса. Бадий фильм. 17.00 Ҳужжатли фильм экран. 18.00 Янгилар. 18.15 Телефильм. 18.25 Теннис. 18.55 Касбим — фахрим. 19.30 Партия турмуши. 20.00 Ахборот. 20.20 Ҳазиржавоб адабиёт. 20.50 Музикали программа. 21.30 «Время». 22.05 «Ахборот». 22.25 Долзарб дамлар қадри. 22.45 Довондаги олишув. Бадий фильм 00.15 Кўрсатувлар программаси.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.30 Киши қиёфасини ўзгартиради. Бадий фильм. 2-серия. 20.50 Реклама. 21.00 Тошкент студияси кўрсатади. ДУШАНБЕ кўрсатади.

✦ МТ I

7.00 «120 минута». 9.05 Лочин парвози. Бадий фильм. 2-серия. 10.10 Мультфильмлар. 10.40 Ҳужжатли фильм. 11.30 Болалар соати. 12.30 Закарпатье жилаолари. 13.00 Киноафиша. 16.05 Музика ҳам биз билан. 16.35 Ҳужжатли фильмлар. 17.10 1989 йил қўшиқлари. 17.45 Болалар учун фильм. 18.45 Ҳокимият — Советларга. 19.15 Дунё воқеалари. 19.30 ...16 ёшгача ва ундан катталар. 20.15 Шейрият лаҳзалари. 20.20 Лочин парвози. 2-серия. 21.30 «Время». 22.05 Концерт. 23.35 Дунё воқеалари.

✦ МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.15, 12.15 Илмий-оммабоп фильм. 9.35, 10.35 Табиатшунослик. 10.05 Испан тили. 11.35, 12.35 Адабиёт. 12.05 Янгилар. 13.05 Одамлар ва дельфинлар. Бадий фильм. 14.05 Телевизион ҳужжатли фильм. 15.00 Ҳужжатли фильм премьераси. 17.30 Янгилар. 17.40 Ҳужжатли фильм. 18.10 Одамлар ва дельфинлар. Бадий фильм. 19.10 Мультфильм. 19.30 Информацион программа. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар. 20.45 Бадий гимнастика. 21.30 «Время». 22.05 «Иллюзия». «Сирли йўловчи». Бадий фильм. 23.55 Янгилар. 24.00 Сиз яратган бог.

Жума

6 ОКТЯБРЬ

✦ УЗТВ

17.00 Фильм-концерт. 17.30 Физикотерапевтларнинг IX Бутуниттифок съезди қатнашчилари — студиямиз меҳмони. 18.00 Янгилар. 18.15 Мультфильм. 18.45 Оролбўйи музикалари. 19.20 Учрашув. 20.00 Ахборот. 20.20 Аёл қалби навалари. 21.30 «Время». 22.05 Ахборот. 22.25 Сессия ҳафталиги. 22.40 Совет киноси усталари. ЎзССР халқ артисти Т. Жаъфарова.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.35 Телефильм. 20.05 Сергей Лазо. Бадий фильм. ДУШАНБЕ кўрсатади.

✦ МТ I

7.00 «120 минута». 9.05 Лочин парвози. Бадий фильм. 3 ва 4-сериялар. 11.15 ...16 ёшгача ва ундан катталар. 12.00 Фильм-концерт. 16.05 Марковский оқшомлари. 16.35 Болалар учун фильм. 17.55 «Дин ва жаҳият». 18.25 Концерт. 19.15 Дунё воқеалари. 19.30 Тараққиёт. Ахборот. Реклама. 20.00 Мультфильм. 20.10 Концерт. 20.20 Лочин парвози. 3-серия. 21.30 «Время». 22.05 Ақтуал интервью. 22.15 Лочин парвози. 4-серия. 23.20 Бу бўлган... бўлганди... 23.40 Нигоҳ.

✦ МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.15, 12.15 Илмий-оммабоп фильм. 9.35, 10.35 Адабиёт. 10.05 Инглиз тили. 11.05 Инглиз тили. 11.35 А. С. Пушкин. «Дубровский». 12.05 Янгилар. 13.05 Одамлар ва дельфинлар. 3-фильм. 2-қисм. 14.10 Ҳужжатли фильм. 14.30 Ритмик гимнастика. 15.00 Қалб кўри йўрилган ер. 15.30 Киноафиша. 17.45 Янгилар. 17.55 Ритмик гимнастика. 18.25 Одамлар ва дельфинлар. 3-фильм. 2-қисм. 19.30 Информацион программа. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 Концерт. 21.30 «Время». 22.05 Таждир ва китоблар. 00.30 Янгилар.

Шанба

7 ОКТЯБРЬ

✦ УЗТВ

9.00 Ассалому алайкум. 10.00 Адабий ўқиш. 10.45 Муаммо билан юзма-юз. 11.45 Ҳужжатли фильм. 12.45 «Ёшлик» студияси кўрсатади. 13.15 Инфотажриба мактаби. 13.45 Мафтуниингман — Косонсой. 14.25 Деҳқон ва замон. 18.00 Болалар учун фильм. 18.30 Ўсмирлар учун. Тенгдошлар. 19.15 Санъат оламида. 20.00 Ахборот. 20.20 Янгича тафаккур. 20.50 Қардошлик тароналари. 21.30 «Время». 22.05 Ахборот. 22.25 Ахборот танқид қилади... 22.35 Пахтакорлар учун кечки музикали программа.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ

9.00 Ритмик гимнастика. 9.15 Адабий-музикали кўрсатуви. 10.05 Ошкора суҳбат. 18.00 «Светофор». 18.45 Кичик бир қолмас қилмасан, Бадий фильм. 20.00 Информацион программа. 20.30 Концерт. 21.30 «Время». 22.05 Меҳрони Зарафшон. 23.25 Телефильм.

✦ МТ I

8.30 Концерт. 9.00 Сиз яратган бог. 9.30 Концерт. 10.05 Инсон. Ер. Коинот. 11.05 ГДР телевидениесининг программаси. 12.35 Сени севаман, ҳаёт! Фотоконкурс. 12.40 Дунё воқеалари. 12.55 Бузилмас ҳарбий қардошлик... 13.55 Шейрият лаҳзалари. 14.00 Социализм мамлакатларида. 14.30 Ҳайвонот оламида. 15.30 Музикачилар келишиди. 16.35 Болалар учун фильм. 18.10 Палана. 19.10 Юрак тош эмас. Бадий фильм. 1 ва 2-сериялар. 21.30 «Время». 22.05 Ақтуал интервью. 22.20 Алла Баянова концертида.

✦ МТ II

8.30 Эрталабки гимнастика. 8.45 Қишлоқ янгиларлари. 9.45 Янги кулбада байрам. 10.15 Мультфильмлар. 10.45 Тараққиёт. Ахборот. Реклама. 11.15 Информацион программа. 12.45 Тараснинг йўллари. 5-кўрсатуви. 13.45 Витя Глушаков апачилар дўсти. Бадий фильм. 15.00 Образ. Адабий ўйин. 16.15 ...16 ёшгача ва ундан катталар. 17.00 Бадий гимнастика. 17.50 Янгилар. 18.00 Илмий-оммабоп фильм. 20.15 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.30 Илмий-оммабоп фильм. 21.30 «Время». 22.05 Концерт. 22.30 Хоккей. СССР чемпионати. «Динамо» (Рига) — «Динамо» (Москва). 23.10 Янгилар. 23.15 Хоккей. СССР чемпионати. «Динамо» (Рига) — «Динамо» (Москва).

Якшанба

8 ОКТЯБРЬ

✦ УЗТВ

9.00 — Ассалому алайкум. 10.00 — Оила даврасида. 11.00 — Биргаликда куйлаймиз. 11.30 — Ғолиб чиқиши аниқ. Бадий фильм. 12.50 Спорт программаси. 13.50 — Ёшлик студияси кўрсатади. 14.10 — Зомин замини. 14.30 — Портретга нигизлар. 15.35 — Реклама. 17.55 — Кўрсатувлар программаси. 18.00 — Мультфильмлар. 18.30 — Санъат гунчалари. 19.00 — Ота-оналар университети. 19.30 — Премьера. 20.00 — Ахборот. 20.20 — ЎзССР Ички ишлар министрлигининг матбуот марказида. 20.30 — Телефильмлар. 20.50 — Музика жаҳони. 21.30 — «Время». 22.05 — Ахборот. 22.25 — Магистраль. Бадий фильм. 23.55 — Кўрсатувлар программаси.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ

✦ МТ I

8.45 — Ритмик гимнастика. 9.15 — Спортлоқ тиражи. 9.30 — Эрта сахарлаб. 10.30 — Совет Иттифоқида хизмат қилган. 11.30 — Тонги почта. 12.00 — Савҳатчилар клуби. 13.00 — Мультфильм. 13.45 — Нигоҳ. 14.45 — Музикали кино. 15.15 — Зоравон. 16.00 — Камалак. 16.30 — Катталар ва болалар. 17.30 — Қишлоқ янгиларлари. 18.30 — Халқлар панорама. 19.15 — Давлат хавфсизлиги учун... керак. 19.35 — Концерт. 21.30 — «Время». 22.05 — Врач психотерапевт А. М. Кашиповскийнинг саломатлик сеанслари. 23.05 — Футбол.


✦ МТ II

8.30 — Зарядка сафланнинг. 8.45 — Тўқайзор. Бадий фильм. 1 ва 2-сериялар. 10.55 — Ҳужжатли фильм. 11.10 — Акс савдо ҳафтаини воқеалари. 11.45 — С. Пятничко куйлайди. 12.00 — Савҳатчилар клуби. 13.00 — Директорини нимага ва қандай ўқитишди? 13.30 — Баскетбол. 14.30 — Бадий гимнастика. 15.25 — Хавфли бурилиш. Бадий фильм. 17.25 — СССР ИИМ хабар қилади. 17.35 — Хавфли бурилиш. Бадий фильм. 18.45 — Ҳужжатли фильм. 19.25 — Телевизион музикали абонемент. 20.15 — Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.30 — Киносерпантин. 21.30 — «Время». 22.05 Киносерпантин. 00.50 — Янгилар.

• ҲАФТАЛИК ПРОГРАММА •



КЎРГАЗМА ТАРИХ ВА ЗАМОН



ПОЙТАХТДАГИ Ленин кўчасида жойлашган Матбуот уйининг сўл томондаги ойнаванд стендларда кечадан бошлаб янги фотокўргазма намоиш этилмоқда. Фотографиянинг 150 йиллигига бағишланган бу фотозекспозиция ташкилотчилари — Ўзбекистон журналистлари Союзи Тошкент ташкилоти фотосекцияси аъзолари уни «Тарих ва замонавийлик» деб номладилар.

Кўргазмадан Ўзбекистон тарихини гавдалантирувчи ҳамда юртимизнинг бутунги ҳаётини акс эттирувчи юзга яқин суратлар ўрин олган. Бу ерда суратлари намоиш этилаётган ўттиз муаллиф орасида матбуотдаги чиқишлари орқали газетхонларга яқин таниш бўлган фотожурналистлар ҳам талайгина. Хусусан, Г. Графкиннинг турли даврлардаги ўзбек адабиёти ва санъати намоёндалари сиймоларини акс эттирган портретлари, А. Аблянинг «Меҳрибонлар кучоғида», В. Жирновнинг «Шафқат», Қ. Отаевнинг «Асрлар тўқнашуви», Э. Пенсоннинг «Нонушта», Р. Гафуровнинг «Иссиқ...», Ф. Курбонбоев, Т. Лутфуллаевларнинг «Спорт, спорт, спорт», А. Зуевнинг «Саҳрода милитиллаган чироқлар» деб номланган суратлари мазкур кўргазмадан муносиб ўрин олган. Шунингдек, унда А. Кошкининг «Ўзбекистон — Тюмень»

Л. Петренко ва Н. Мухаммаджоновларнинг «Тошкент—Сиэтл», А. Екубовнинг «Кўлфат эшик қоққанда» туркум асарлари ҳам намоиш этилмоқда. Бундан ташқари экспозицияга таниқли сураткашлар И. Глауберзон ва М. Пенсон оиналари, УзаТАГ ва Ўзбекистон ССР кинофотохужжатлар архивларидан олинган кўплаб нодир суратлар ҳам қўйилган.

Кўргазмани томоша қилаётган клк йўловчилардан бири, пойтахтдаги 5-мактаб жисмоний тарбия ўқитувчиси Ф. Еськов у ҳақда шундай фикр билдирди:

— Бундай ажойиб кўргазмани ташкил қилганларга фақат раҳмат дейиш мумкин. Лекин нима учун у айна шу ерда — одамлар анча сийрак жойда намоиш этиляпти! Назаримда, бундай нарсалар Инқилоб хибонаида ёки одамлар гажуирироқ бирор бошқа жойда ташкил этилса нур устига аъло нур бўларди...

У. ҲИМАТОВ.

Суратларда: кўргазмада намоиш этилаётган Ўзбекистон ССР кинофотохужжатлар архивидан олинган «Й. Охунбобоев Ўзбекистон КП(б) VI съезди делегатлари орасида», М. Пенсон оинаси архивига мансуб «Ўзбекистон «Мадоннаси» ҳамда А. Екубовнинг «Кўлфат эшик қоққанда» асарлари.

Ҳар тўғрида

«СЕҲРГАРЛАР» ФЕСТИВАЛИ

● ЧЕХОСЛОВАКИЯнинг сўли шаҳри Карпови Варда «Магичесшарвар» номи билан замонавий сеҳргарлар фестивали бўлиб ўтди. Анжуман эгалари билан бир қаторда бу ерда Венгрия, ГДР, Польша, Совет Иттифоқи, Югославия, Италия, Норвегия, Австрия каби мамлакатлардан жаҳонга таниқли 100 га яқин уста ва ҳаваскор сеҳргарлар ҳам ўз маҳоратларини намоиш этдилар. Айниқса, АҚШлик икки машҳур «сеҳргар» Боб Браун ва Пол Даймондларнинг чиқиши кўпчилиқда катта қизиқиш уйғотди. Фестивал тарихида илк бор [бу галгис ҳисоб бўйича 22-экан] 15 ёшгача бўлган бошловчи кўзбоялғичларнинг кўрик-конкурси бўлиб ўтди. Бу кўрикда Европанинг етти мамлакатидан вакиллари иштирок этишган.

БОЖХОНА ХОДИМЛАРИНИНГ «ОВИ» КЕЛДИ

● ПОКИСТОН божхона ходимларининг зийраклиги тўғрисида контрабанда қўли билан мамлакатга катта миқдорда оптин олиб киришнинг олди олинди. Очiq денгизда Карочи шаҳри портига яқин жойда нчда жами 140 килограмм келадиган 1190 та соф қўйма оптин бўлган баллиқчилар кемаси қўлга олинди. Божхона ходимларининг бу сафарги «ови» юришиб, мусодара қилинган жами мол 35,7 миллион Покистон рупясига [Америка пулига ҳисобда 1,7 миллион доллар] тенг деб баҳоланган. Бу — Покистон ҳукумати нинг мусодара қилинган қимматбаҳо металлари нинг йирик партияси контрабандасига қарши кураши тарихида энг йирик воқеадир.

Муҳаррир
Н. НАСИМОВ.

Сўраган эдингиз

НАРХИ—ЯРИМ МИЛЛИОН

КЕЯИНГИ пайтларда қадимий усталар ясаган турли буюмларга қизиқиш катта. Айниқса, чет элларда таниқли усталарнинг қачонлардир ишлаган чолғу асбоблари кўз кўриб, қулоқ эшитмаган нархларда сотилаётганимиш. Шу гаплар ростми!

В. МАЖИДОВА,
ишчи.




савдосида иккинчи бир скрипка ундан ҳам қимматроқ — 572 минг фунт стерлинга сотилди. Бу — яна бир машҳур италиян устаси — Жузеппе Гавернери томонидан 1743 йилда ясалган нобб скрипка эди.

Шуни ҳам айтиб ўтиш кераки, чет эллардаги кимошди савдоларида фақат қадимий ҳунаромандлар ясаган нобб буюмларгина эмас, балки замонашларимиз бўлган машҳур кишиларнинг шахсий буюмлари ҳам катта-катта пуллар эвазига сотилмоқда.

ЧИНДАН ҳам ҳозирги кунда жаҳонда кўҳна буюмларга қизиқиш ортиб бормоқда. Ўз даврининг машҳур усталари бўлган бир қатор ҳунаромандлар ясаган турли буюмлар жаҳоннинг турли мамлакатларида беқисс нархлар қўйилиб сотилмоқда. Масалан, биргина Англия пойтахти — Лондондаги «Сотби» фирмаси ташкил этган кимошди савдосида машҳур Италиян устаси Страдивари ясаган скрипка 473 минг фунт стерлинга пулланди. Бу скрипка 1968 йилда ҳам ким ошди савдосига қўйилган, бироқ ўшанда атиги 22 минг фунт стерлинга баҳоланганди. Энди уни мутахассислар дунёдаги энг қиммат чолғу асбоби деб тай бошладилар.

Бироқ, Страдивари скрипкасининг бу «рекорди» узоққа бормади. Айни шу фирмада ўтказилган яна бир кимошди




Суратларда: киролик мусиқа коллежи талабаси Гавернери скрипкасини намоиш этмоқда.

РАССОМ ХАНДАСИ



— Печкамизга текин мой

чиқиб қолди, онаси, бир челақ олиб кетайлик.



— Тавба, бу шахрини

одамлари қизиқ экан, бир айланиб келгунинча гилдирагини шилиб кетишибди.

М. УНГАРОВ расмлари.

ФУТБОЛ

● МАМЛАКАТ чемпионатининг 26-турида пахтакорчилар Бокунинг «Нефтчи» коллективини қабул қилишди. Уйин жihatидан бироз устун бўлган пахтакорчиларга бу сафар омад қилиб бoқмади. Ушбу ўйинда М. Кабаев, М. Қосимов, А. Сараевлар бир неча бор рақиб дарвозасини ишғол қилишлари мумкин эди. Аммо уларнинг тепган тўплари қўп ҳолларда мўлжалга бормади. Хусусан, ўйиннинг 86-минутларида Миржалоли Қосимовнинг тепган жарима тўпи дарвоза тўсинига тегиб қайтди. Шундан сўнг тўпни Альберт Сараев эгаллаб олди. Унинг зарбаси ҳам дарвоза тўсинидан қайтди.

Қолган ўйинларда қуйидаги натижалар қайд қилинди: «Кайрат» — «Спартак» — 1:1, «Геолог» — АСК (Р) — 4:1, «Шиник» — «Металлург» — 1:3, «Гурия» — «Котайск» — 1:0, «Динамо (С)» — «Таврия» — 2:0, «Ростсельмаш» — «Нистру» — 2:0, МАСК—АСК «Карпати» — 3:0, «Кузбасс» — «Даугава» — 4:2, «Факел» — «Таврия» — 1:1.

Реклама ва эълонлар

Ўзбекистон ССР Маданият вазирлиги
М. Қориеқубов номидаги ўзбек давлат филармонияси
В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ
ДЎСТЛИГИ САРОИИДА

3. 4 октябрь соат 19.00 да
М. ҚОРИЕҚУБОВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ
ФИЛАРМОНИЯСИНИНГ СОЛИСТИ

НУРИДДИН ҲАЙДАРОВ КОНЦЕРТИ

Программани — артист Уткир СИДДИҚОВ олиб боради.
Билетлар СССР Халқлари дўстлиги саройи кассаларида соат 14.00 дан бошлаб сотилимоқда.